



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 111–112 (13.444–13.445)

Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ҲАР БИР ҲУЖЖАТ ВАҚТИДА ВА СИФАТЛИ ИЖРО ЭТИЛИШИ ШАРТ

29 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон, Қозоғистон, Россия, Хитой мамлакатларига ташрифлари давомида ҳамда Туркия раҳбари билан ўтказилган олий даражадаги учрашувлари якунлари бўйича имзоланган битимлар, шартномалар ва муайян соҳаларда ўзаро шериклини ривожлантиришга доир лойиҳаларни амалга ошириш жараёнининг ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Бош вазир, унинг ўринбосарлари, тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон расмий делегациясининг Туркменистон, Қозоғистон, Россия ва Хитойга жорий йилдаги ташрифлари 2016 йилги Президент сайловидан кейинги илк хорижий сафарлар бўлиб, уларнинг натижалари стратегик шериклар билан ўзаро муносабатларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Қайд этиш керак, ҳар бир ташриф якунида битим ва шартномалар қаторида қиймати бир неча миллиард АҚШ долларига тенг бўлган кўплаб лойиҳалар имзоланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур давлатлар раҳбарлари билан музокаралар чоғида ҳар бир лойиҳани алоҳида муҳокама қилиб, тўла амалга оширишга оид масалалар, жумладан, молиялаштириш имкониятлари юзасидан атрафлича фикр алмашди. Лойиҳаларнинг "йўл хариталари" тасдиқланиб, уларнинг босқичлари, ижро механизмлари ва масъул шахслар белгилан олдин.

Давлатимиз раҳбари бу борада муҳим келишувларга эришилганига қарамай, айрим раҳбар ходимлар имзоланган ҳужжатлар ижросини таъминлашга эскича ёндашувдан, иқтисодий ҳаётимизда устувор аҳамият касб этадиган, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш имконини берадиган бу масалага етарлича масъулият билан қараётганини чуқур таҳлил асосида, аниқ мисоллар орқали кўрсатиб берди.

Барча зарур ҳужжатлар қабул қилингани, янги тузилмалар ташкил этилгани, экспортчи ва сармоядорлар учун ҳар томонлама қулайлик ва имтиёзлар берилгани, бир сўз билан айтганда, мамлакатимиздаги халқаро иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик субъектларининг самарали ишлаши учун барча шарт-шароитлар яратилганига қарамадан, ҳозирча аниқ натижалар кўзга ташланмапти, ижро муддатлари ортага сурилмоқда.

Бунинг сабабларидан бири ишончли хорижий шерик ва молия манбалари мавжуд бўлмаган ҳолда сармоясиз лойиҳалар тайёрлаш, амалда фойда бермайдиган ҳужжатлар имзолаш ҳолатлари билан боғлиқдир. Бундай лойиҳаларнинг мониторингини юритиш бўйича тизимли иш олиб бориламапти. Иқтисодиётимизга хорижий сармояларни жалб этиш борасидаги аҳвол қониқарли эмас.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу масалада камчилик ва қолдиқликка йўл қўётган ҳар бир вазирлик ва идора фаолиятига танқидий нукта назардан баҳо берди.

Хусусан, Туркменистонга ташриф асносида кишлоқ хўжалиги техникаси, минерал ўғитлар, автомобиллар, қурилиш материаллари, маиший техника ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш бўйича умумий қиймати 151 миллион АҚШ доллари тенг ҳужжатлар имзоланган эди. Ўтган уч ой давомида экспорт ҳажми 12 миллион доллари ташкил этди. Бу умумий келишилган микдорнинг 8 фоизи, ҳоло.

Қозоғистон, Россия ва Хитойга ташрифлар ҳамда Туркия раҳбари билан ўтказилган музокараларда ҳам бир неча миллиард долларлик йирик келишувларга эришилди. Лекин уларнинг ижросига оид натижалар қўтилангандек эмас.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда ҳисобот берган мутасадди раҳбарлар ўз масъулиятини кескин ошириши зарурлигини, бажарилмаётган ва кечикаётган лойиҳа ва шартномалар учун улар шахсан жавобгар эканини алоҳида таъкидлади. Ҳар бир лойиҳанинг бажарилиши бўйича биринчи галдаги чора-тадбирларни аниқ равшан белгилаш, молиялаштириш ва ижро жараёналари бўйича замонвий ва тизимли асосда мониторинг олиб бориш юзасидан топшириқлар берилди.

Шериклик тўғрисидаги ҳужжатнинг имзоланиши аввало унинг ижроси билан мумкин. Давлатимиз раҳбари фақат қозғода акс этадиган, амалда ҳеч қандай фойда бермайдиган лойиҳалар тузишдек эскича амалиётдан бутунлай воз кечиш, бундай одат ва кайфият билан ишлашга мутлақо чек қўйиш лозимлигига алоҳида ургу берди.

Эришилган барча келишувларнинг молиявий манбалари, ижро механизмлари, логистикаси, масъул идоралар ва шахслар ҳамда бошқа масалалар тўлиқ ҳал қилинган бўлиши, иш пухта ва қатъий амалга оширилиши керак.

Президентимиз тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига чет давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқалар ва сармоявий ҳамкорлиқни ривожлантириш борасида мақсадли инвестицион стратегия ҳамда қабул қилинган келишувлар ижросини таъминлаш бўйича Низом ишлаб чиқиш вазифасини топширди.

Ушбу тизимни такомиллаштириш мақсадида масъул ижрочиларнинг ҳар ҳафтада бир марта Вазирлар Маҳкамасида ва ҳар ойда бир марта Президент ҳузурида хорижий шериклар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган жорий ва ишлаб чиқиш кўзга тутилган янги инвестицион лойиҳалар юзасидан ҳисобот бериш тартиби ўрнатилади.

Лойиҳаларнинг ўз вақтида молиялаштирилиши, мутасаддиларнинг ижро интизоми, масъул шахсларнинг мавжуд имкониятлардан умумий фойдаланишини назорат қилиш Ҳисоб палатаси ва Бош прокуратура зиммасига юкланди.

Йиғилишда дабдабали рақамлар ва баландпарвоз ҳисоботлар ортдан қувиш эмас, аниқча самарали усул ва механизмларни татбиқ этиш, аҳолини қисқа муддатда синчиқлаб ўрганиб чиқиш ва зарур чора-тадбирлар белгилаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Ў.А

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ҲАМДА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ СОҲАСИДА ТЎЛОВ ИНТИЗОМИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ, ШУНИНГДЕК, ИЖРО ИШИ ЮРИТИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ёқилғи-энергетика комплексини модернизация қилиш ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, электр энергияси ва табиий газ (кейинги ўринларда энергия ресурслари деб аталади) етказиб бериш ва истеъмол қилиш соҳасида шартнома мажбуриятларига сўзсиз риоя этиш, шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишининг таъсирчан механизмларини яратиш – мамлакатимизда олиб борилаётган, энг аввало, иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, инвестициявий жозибадорлик ва ишбилармонлик фаоллигини ошириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга қаратилган кенг қўламли ислохотларни самарали амалга оширишининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, мазкур соҳаларда тўплаб қолган жиддий камчилик ва муаммолар энергия ресурслари бўйича дебитор қарздорликни кескин камайтиришга ва электр энергетика ва газ тармоқларини янада ривожлантириш, ижро иши юритиш самарадорлигини оширишга имкон бермаган. Жумладан:

Биринчидан, таъминотчи корхоналар томонидан етарли чоралар қўрилмаганлиги оқибатида истеъмолчиларнинг шартнома мажбуриятларига риоя этиши лозим даражада таъминланмаган, уларнинг аксарияти истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўловларни мунтазам равишда амалга оширмаган;

Иккинчидан, энергия ресурслари истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш муддатларининг кечиктириб юборилганлиги етказиб берилган ва истеъмол қилинган ҳажмлар ҳисоби юритилишининг ҳаққонийлигини таъминлашга ҳамда ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишга ўта салбий таъсир кўрсатмоқда;

Учинчидан, эскирган электр узатиш тармоқлари, трансформатор подстанциялари ва пунктлари, газ қувурлари ҳамда тегишли инфратузилмани янгилаш суръатларининг сустлиги – технологик йўқотишларнинг кўпайишига ва энергия ресурсларининг, айниқса, жойларда, сурункали узалишлар билан етказиб берилишига олиб келмоқда;

Тўртинчидан, энергия ресурслари бўйича қарздорлик ҳолатини он-лайн тарзда кузатиб бориш имконини берувчи замонвий электрон тўлов тизимларини ривожлантириш паст даражада қолмоқда;

Бешинчидан, "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АҚ томонидан назоратчилар ишининг ташкил этилиши устидан идоравий назорат лозим даражада ўрнатилмаганлиги дебитор қарздорлиқнинг ҳаддан зиёд ўсishiга олиб келмоқда;

Олтинчидан, қарздорларни электр ва газ тармоқидан узатиш бўйича амалий чоралар қўрилмасдан, аслида мавжуд бўлмаган қарздорлиқни ундириш ҳақида судларга аксарият ҳолларда "бир хил қолипдаги" аризаларнинг киритилиши таъминотчиларнинг энергия ресурслари учун ҳақ ундириш борасидаги ишларни ташкил этишга расмийлик билан ёндашаётганлигидан далолат бермоқда;

Еттинчидан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти (кейинги ўринларда Суд департаменти деб аталади) фаолиятини ташкил этишдаги жиддий камчиликлар ижро иши юритилиши самарадорлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Амалдаги ундирув кўрсаткичининг 2016 йилда атиги 45 фоизни ташкил этганлиги ҳам бундан далолат беради;

Саккизинчидан, идоралараро ҳамкорлиқнинг ва Суд департаменти фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг паст даражадалиги ижро ҳужжатлари ҳисоби юритилишида ҳаққонийлиқни таъминлашга, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилишига салбий таъсир кўрсатмоқда;

Тўққизинчидан, қонунийликни ва ижро интизоминини мустаҳкамлаш ишларида йўл қўйилган камчиликлар оқибатида 2016 йил ва 2017 йилнинг I чораги давомида содир этган ҳуқуқбузарликлар учун "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АҚнинг 665 нафар, Суд департаментининг 36 нафар ходими жиноий жавобгарликка тортилган.

Электр ва газ таъминоти соҳасида ечимини қутаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича таъсирчан чораларнинг қўрилмаганлиги иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, ёқилғи-энергетика комплексини модернизациялаш ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, инвестициявий жозибадорлик ва ишбилармонлик фаоллигини ошириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини таъминлашга тўққонлик қилувчи омил ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ, 2017 йил 2 июнь кунини соат 15.00да халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг йиғирма учинчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

- халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг бўшаб қолган сайлов округларида бўлиб ўтган депутатлар сайлови якунлари тўғрисида;
- Яшнобод тумани ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини ўрганиш якунлари тўғрисида;
- "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида;
- Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида;
- "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муҳофазатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси тўғрисида;
- халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг айрим доимий комиссиялари таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида;
- Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш тўғрисида ва бошқа масалалар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

2017–2021 ЙИЛЛАРДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГЕТИКАНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ СОҲАДА ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 5 майдаги ПҚ-2343-сон қарори билан тасдиқланган, 2015–2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури доирасида кейинги йилларда республикаимизнинг иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳасида энергия тежамкорлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маиший ускуналарни ишлаб чиқариш энергетик менежменти ва энергетик маркирокалаш стандартлари жорий этилди. Қўчаларни ёритиш тизимида энергия истеъмоли бўйича самарали технологияларни ҳамда уй-жой ва ижтимоий бинолар учун энергияни тежайдиган лампаларни татбиқ қилиш ишлари олиб боришмоқда, республика ҳудудида қуввати 40 Втдан юқори бўлган чўлғанма лампаларни сотиш тўхтатилди.

Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг бюджетдан молиялаштирилаётган муассасаларида энергия сифими юқори бўлган иситиш қозонлари энергия тежамкорлигига алмаштирилмоқда. Энергетика тармоғида замонавий газ ва буғ турбинали қурилмаларни жорий қилиш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

"ЖЕНЕРАЛ МОТОРС ЎЗБЕКИСТОН" АЖ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРГА НАРХЛАР ШАКЛЛАНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

"Женерал Моторс Ўзбекистон" АЖнинг ички ва ташқи бозорларда соҳиллаётган маҳсулотларига нархлар шаклланиш механизмининг янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда "Ўзавтосаноат" АҚнинг 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб "Женерал Моторс Ўзбекистон" АЖнинг барча автомобиль моделларини ички бозорда миллий валюта – сўмга сотишга ўтиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

2. "Ўзавтосаноат" АҚ: 2017 йилнинг 1 июнидан ташкил шартномалар бўйича енгил автомобиллар етказиб бериш ва тўловларни қабул қилиш, шартномаларда назарда тутилган қатъий шартлар ва белгиланган муддатларда тўловларни халқаро пластик картчаларни орқали амалга ошириши;

ташқи бозорларни ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар турларини янада диверсификациялаш, ташқи бозорлардаги ўрнинини мустаҳкамлаш ҳисобига экспорт ҳажмини кўпайтириши;

янги рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига маҳсулотлар ишлаб чиқариши ошириши;

бутовчи қисм ва узеллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлаштириш, автомобилсозликни ривожлантириш учун зарур бўлган асосий хомашё ва материалларни ўзлаш-

тириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича тармоқлараро кооперацияни кенгайтириш ҳисобига импортнинг улушини камайтириш ва маҳсулотлар таннархини пасайтиришни таъминлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур қарорни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида тегишли қарор қабул қилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 26 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2017 йил 27 май кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисини Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев олиб борди.

Сенаторлар ишни "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (80, 93, 108 ва 109-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқишдан бошлади.

Муҳокама давомида таъкидланганидек, қонун 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида белгиланган суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, фуқаро-

ларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, уларнинг одил судловга эришиш даражасини, одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, судьялар лавозимига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирларини қучайтириш вазифаларини рўйбга чиқаришга қаратилган принциплар қондалардан иборатдир.

(Давоми 5-бетда)



(Давоми 7-бетда)

ҚАШҚАДАРЁДА КЎРИШГУНЧА ХАЙР, "БАРКАМОЛ АВЛОД"!

25–27 май кунлари Жиззах шаҳридаги "Сўғдиёна" универсал спорт мажмуаси стадиони узра академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчиларининг "Баркамол авлод – 2017" спорт ўйинлари машъаласи порлаб турди.

Навбатдаги "Баркамол авлод" мусобақаси ҳам мамлакатимизда жорий этилган уч босқичли тизим – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинларининг самарадорлигини яна бир бор намоиш этди. Ватанимиз ке-

лажаги бўлган ёш авлодни она юрtega мухаббат, киндик қони томган туپроққа садоқат руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган мазкур тизимнинг нуфузи йилдан йилга ошиб бораётир.

Яна бир муҳим жиҳати, уч босқичли спорт ўйинлари финали ўтаётган шаҳарларда халқаро талабларга жавоб берадиган ўқув спорт иншоотлари барпо этилмоқда, ҳудудлар янада обод бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ҲАМДА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ
СОҲАСИДА ТЎЛОВ ИНТИЗОМИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ, ШУНИНГДЕК, ИЖРО ИШИ
ЮРИТИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, электр ва газ таъминоти соҳасида бошқарув тизимини, назорат ва ҳисобга олиш механизмларини янада такомиллаштириш, тўлов интизоми-ни мустаҳкамлаш, жавобгарлиқни кучайтириш, ижро иши юритишнинг самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Бюронинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш, ижро ҳужжатлари ҳамда ундирилган маблагларнинг ҳаққоний ҳисобини юритиш, ижро иши юритишда сансалорлик ва сунистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш; электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларида ноқонуний уланishi, талон-торож ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимлари, шунингдек, муқobil энергия манбаларининг жорий этилиши устидан мониторинг ўтказиш;

энергия ресурсларини сотиш ва истеъмоли ҳисобини юритишда иштирок этиш;

энергия ресурслари истеъмолчиларининг масъулияти ва ҳуқуқий маданиятини ошириш чораларини кўриш;

комплекс таҳлил ўтказиш, тизимли муаммоларни аниқлаш, энергия ресурслари учун ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш ва мажбурий ижро тизимини такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, суриштирув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш.

3. Белгиланган қўйилсинки: тугатилаётган Суд департаментининг Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари Бюрога ўтказилсин;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Бюронинг давлат ижрочилари томонидан амалга оширилсин;

Бюронинг давлат ижрочилари лавозимларига олий ёки ўрта махсус юридик маълумотга эга, айрим ҳолларда бошқа мутахассисликдаги олий маълумотга эга шахслар, Бюронинг бошқа лавозимларига – олий ёки ўрта махсус маълумотли бошқа мутахассисликка (иқтисодчи, молиячи, муҳандислар ва бошқалар) эга шахслар ҳам тайинланади;

давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари Бюрога мазкур Фармонга мувофиқ оқлатилган вазифа ҳамда функцияларини бажаришда ҳар томонлама қўмаклашишга мажбурдирлар.

4. Бюро ва унинг ҳудудий тузилмаларига энергия ресурсларини етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасидаги вазифаларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

энергия ресурслари етказиб берилиши ва истеъмолчини ҳисобга олишнинг тўлиқлиги ҳамда ҳаққонийлиги, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан, шу жумладан, ҳужжалик юрutiвчи субъектларда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишмаган ҳолда текширишлар ўтказиш;

етказиб берилган энергия ресурслари учун қарздорлиқни истеъмолчилар – юридик шахслар ва аёка тартибдаги тадбиркорларнинг (кейинги ўринларда истеъмолчи – юридик шахслар деб аталади) банк ҳисобрақамларида сўзсиз ундириш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган инкассо топшириқномалари қилиш;

етказиб берилган энергия ресурслари учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги қарздорлиқни ҳодим – истеъмолчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳақида иш берувчиларга бажарилиши мажбурий бўлган талабномалар юбориш;

энергия ресурслари истеъмоли, тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқлигини назорат қилиш ва мониторингини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни вазириликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар ва фуқаролардан талаб қилиб олиш;

жисмоний ва юридик шахсларга энергия ресурслари учун қарздорлиқни бартараф этиш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган талабномалар юбориш;

энергия ресурсларини етказиб бериш ва истеъмол қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга белгиланган тартибда молиявий санкция қўллаш;

вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига энергия ресурсларини етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек, энергия ресурслари учун ҳисоб-китобларни мунтазам равишда амалга оширмаётган истеъмолчиларга нисбатан жамоат таъсир чораларини кўриш ҳақида тақдирномалар киритиш;

энергия ресурслари учун ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаган, Бюро талабномалари ижро этилмаган ҳолларда, шунингдек, электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларида ноқонуний уланishi, талон-торож ҳолатлари аниқланганда, истеъмолчиларни электр ҳамда газ тармоқларидан узиш;

энергия ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатлари бартараф этилган ҳамда тўловлар тўлиқ амалга оширилганда, илгари электр ва газ тармоқларидан узиб қўйилган истеъмолчиларни қайта улаш;

энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоралар кўриш;

энергия ресурслари истеъмолчини назорат қилиш ва ҳисоблаш тизимини ҳамда ускуналарининг созлик ҳолатини мониторинг қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси энергия ресурсларини етказиб бериш, истеъмол қилиш ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлиқнинг муқаррарлиги принциплари сўзсиз риоя этилиши устидан назорат самарадорлигини, шунингдек, энергия ресурслари истеъмолчиларининг масъулияти ва ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрсин.

5. Суд департаменти тугатилсин ва унинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетти маблаглари ҳисобидан молиялаштирилган 1 301 та бўшатилаётган штат бирликлари Бюрога ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Суд департаменти балансида бўлган ва у фойдаланаётган бинолар, воситалар ҳамда бошқа моддий-техника қимматликларининг Бюро балансида ўтказилишини таъминласин.

Белгиланган қўйилсинки, Бюро тугатилаётган Суд департаментининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖнинг:

"Ўзбекэнерго" АЖнинг истеъмолчилар билан ишлаш бўйича 6 562 та электромонтёр штат бирликлари ҳамда "Ўзтрансгаз" АЖнинг табиий газни ҳисобга олиш ва реализация қилиш бўйича 4 255 та назоратчи штат бирликлари қисқартириш;

Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ташкил этиш ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин.

Қуйидагилар Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

республика истеъмолчиларига энергия ресурсларини сотишдан тушган маблагларнинг 10 фоизи;

ваколатли органлар томонидан олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказилган мол-мулкларни сотишдан, шунингдек, қарздорнинг мол-мулкни сотиш ҳисобига солиқ қарздорлигини (давлат божидан ташқари) ундиришдан тушган маблагларнинг 8 фоизи;

давлат ижрочилари томонидан ундирилган ижро йўғими маблагларининг 80 фоизи;

Бюро ҳодимлари томонидан қўлланиладиган ва ундириладиган жарималар суммасининг 80 фоизи;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Белгиланган қўйилсинки:

Бюро таъиноти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетти ва Жамғарма маблаглари ҳисобидан амалга оширилади;

ушбу банднинг бешинчи хатбошида назарда тутилган маблагларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ томонидан белгиланади;

асбоб-ускуналар, электр узатиш линиялари, газ тармоқлари, энергия ресурсларини ҳисобга олиш ускуналарини эксплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, тегишли ҳудудларда носозликларни бартараф этиш бевосита "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ томонидан амалга оширилади.

7. Белгиланган қўйилсинки, энергия ресурсларини етказиб бериш ва истеъмол қилиш соҳасида:

а) Бюро қуйидагилар учун жавобгардир:

энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини, шунингдек, бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган энергия ресурслари ҳажми ва тегишли ҳудудлар чегарасидаги тармоқларга етказиб берилган ҳажм ўртасидаги тафовутларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

аниқланган тафовутларни бартараф қилиш механизми бўйича тақлифлар киритиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

б) "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ қуйидагилар учун жавобгардир:

тузилган шартномаларга мувофиқ, истеъмолчиларни энергия ресурслари билан таъминлаш;

сотилган энергия ресурслари ҳажми ҳақидаги ҳисобот ва ақборотлар, дебитор ва кредитор қарздорлик ҳақидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги;

электр ва газ тақсимлаш тармоқлари ҳамда энергия ресурсларини бевосита истеъмолчиларга бўлиниш чегарасига қадар етказиб бериш билан боғлиқ бўлган бошқа инфратузилмалар эксплуатацияси ва таъмирлаш хизматларини амалга ошириш;

истеъмолчиларга ўрнатилган энергия ресурслари истеъмолчини ҳисобга олиш ускуналарини алмаштириш, ўрнатиш ва эксплуатация хизмати кўрсатиш, шунингдек; Бюро билан ҳамкорликда уларни пломбалаш;

белгиланган тартибда техник шартларни бериш, электр ва газ тармоқларига янги истеъмолчиларни улаш ишларини амалга ошириш;

Бюронинг мажбурий талабномасига асосан, электр энергияси айрим истеъмолчиларини 6-10 кВ ва ундан юқори қучанлишли тармоқлардан белгиланган тартибда узиш.

Белгилансинки, "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ ҳар ойда бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган энергия ресурслари ҳажми ва тегишли ҳудудлар чегарасидаги тармоқларга етказиб берилган ҳажм ўртасида тафовут мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни Бюрога тақдим этади, улар асосида Бюро электр ва газ таъминоти корхоналари билан биргаликда тафовутнинг вуқудга келиши сабабларини аниқлаш бўйича белгиланган тартибда қоралар кўриди.

8. 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб қуйидаги тартиб жорий этилсин, унга мувофиқ:

истеъмолчилар – жисмоний шахслар ҳар ойнинг 10 санасига қадар ўтган ойда истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт;

мажбурий банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган муддат ўтгандан кейин қарздорлик мавжуд бўлганда, истеъмолчи – жисмоний шахслар белгиланган тартибда электр ва газ тақсимлаш тармоқларидан мажбурий узилади;

мажбурий банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилганлардан ташқари, истеъмолчиларга энергия ресурсларини етказиб бериш 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳолларда, мажбурий истеъмолчиларга нисбатан электр ва газ тақсимлаш тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар қўрилади;

электр ва газ тармоқларидан илгари узиб қўйилган шахсларни қайта улашда истеъмолчи – жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдориди, истеъмолчи – юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдориди тўлов қайта улашни амалга оширган шахслар ташкилот ҳисобига маблагларни ўтказиш орқали ундирилади;

истеъмолчи энергия ресурслари истеъмолчини ҳисобга олиш ускуналарининг лозим даражада эксплуатация қилиниши ва созлиги учун жавобгар бўлади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан рўйхат ҳар йили тасдиқланадиган, юқори қилидди ва (ёки) экспортга йўналтирилган махсуслотларни ишлаб чиқарувчи алоҳида тоифадаги истеъмолчиларга энергия ресурсларини сотиш экспорт нархидан паст бўлмаган бозор нархларида амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда танқидий ўрганиш натижасига қўра, "Ўзбекэнерго" АЖ корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва истеъмол қилишнинг ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш тартибини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилсин;

2017 йил 1 августга қадар муддатда энергия ресурслари учун, шу жумладан, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидида корхоналар ўртасида 2017 йил 1 июлгача вуқудга келган қарздорлиқнинг тартибга солинишини таъминласин;

уч ой муддатда "Ўздавнефтегаз" ДИ ва "Ўздавнефтегаз-инспекция" ДИ фаолиятини қайта ташкил этиш бўйича, шу жумладан, мажбурий Фармон қоидаларини инобатга олган ҳолда, тақлифлар киритсин.

10. Белгилансинки, Суд департаментининг амалдаги ҳодимлари, шунингдек, ушбу Фармонга мувофиқ штат бирликлари қисқартирилган "Ўзбекэнерго" АЖнинг истеъмолчилар билан ишлаш бўйича электромонтёрлари ҳамда "Ўзтрансгаз" АЖнинг табиий газни ҳисобга олиш ва реализация қилиш бўйича назоратчилари Бюро-ни ташкил этиш даврида меҳнат шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинганга қадар юқорида кўрсатилган ташкилотлар маблаглари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари сақлаб қолинган ҳолда хизмат вазибаларини амалга ошириладилар.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори лойиҳасини;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом-ни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин.

12. "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ:

2017 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда энергия ресурсларининг сотилишини ҳисобга олиш бўйича амалдаги дастурий махсуслотлардан Бюронинг доимий фойдаланиш имкониятини таъминласин;

2017 йил 1 июлга қадар туман (шаҳар)лар кесимида 2017 йил 1 июнь ҳолатига энергия ресурсларидан қарздорлиги мавжуд бўлган барча истеъмолчиларнинг рўйхатини, шу жумладан, истеъмолчи – юридик шахслар билан қарздорлиқни таққослаш далолатномаларини Бюрога тақдим этсин;

2017 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда тушумларнинг ҳаққоний ҳисобини юритиш ва пул маблагларининг ҳаракатини Бюро томонидан мониторинг қилишни таъминловчи, энергия ресурсларини сотишдан тушган маблагларни ягона банк ҳисобрақамларида жамлаш тизимини жорий этсин;

2017 йил 1 августга қадар энергия ресурсларини ишлаб чиқариш, транспортировка қилиш ва тақсимлашнинг ҳисобга олиш ускуналари ўрнатилган хоналарнинг Бюро томонидан масофадан туриб рухсатсиз аралашувни назорат қилиш имконини берадиган видеокўзатув камералари билан жиҳозланишини таъминласин;

2017 йил 1 октябрга қадар энергия ресурсларининг етказиб берилиши ва истеъмолчини бевосита тақсимлаш жойларида назорат қилиш ва ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

2018 йил 1 январга қадар энергия ресурсларини ишлаб чиқариш, транспортировка қилиш ва тақсимлашнинг ҳисоблаш нукталарида ҳисобга олиш ускуналари кўрсаткичларини ва уларнинг ҳолатини қайд этувчи, ушбу маълумотларни энергия ресурсларини ишлаб чиқариш, транспортировка қилиш ва тақсимлаш ҳажмлари мониторингини амалга ошириш учун Бюрога тақдим этадиган автоматлаштирилган тизимни ўрнатиш, шунингдек, унинг барқарор ишлашини таъминласин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Уй-йой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ, "Ўздавнефтегаз" ДИ, "Ўздавнефтегаз-инспекция" ДИ, "Саноатгеокомтехназорат" ДИ, Бюро бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар қуйидагиларни амалга оширган ҳолда турар ва нотурар жой фондини тўлиқ инвентаризациядан ўтказсин:

кадастр ва лойиҳа ҳужжатлари, шартномалар, уланish схемалари, бошқа зарур ҳужжатлар ҳамда ҳисобга олиш ускуналарининг мавжудлигини, уларнинг созлиги ва меъёрий-техник талабларга мувофиқлигини аниқлаш, истеъмолчини биллинг тизимида рўйхатдан ўтказиш;

энергия ресурсларининг реал истеъмол қилинган ҳажмини ва унинг шартномаларда назарда тутилган ҳажмга, шунингдек, амалга оширилган тўловларга мувофиқлигини аниқлаш;

турар ва нотурар жой фонди объектларининг эгалари, кадастр маълумотлари, коммуникациялар ва иншоотлар ҳақидаги маълумотларни ўзида жамлаган ягона электрон паспортларини тайёрлаш;

инвентаризация қилувчи бўйича вазирликлар ва идораларнинг тегишли маълумотлар базаларига зарур аниқликлар киритиш.

Белгилансинки, ушбу банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган вазирликлар ва идоралар инвентаризация ўтказиш жараёнида аниқланган қамчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чоралар қўрилишини таъминлайдилар ва бунга ҳар томонлама қўмаклашадилар.

14. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий тузилмалари қўмас мўлук бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин уч кун муддатда қўмас мўлук эгалари ҳақидаги маълумотларни электр, газ, сув ва иссиқлик таъминоти корхоналари, автоматлаштирилган телефон станцияларига юборди.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Уй-йой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ уч ой муддатда қўмас мўлук эгалари ҳақидаги идоровий маълумотлар базаларини унификациялаштирсин.

Уй-йой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ, "Ўздавнефтегаз-инспекция" ДИ, Бюро, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда шу турдаги ишларни амалга оширишда ҳалқаро тажрибага эга бўлган чет эл пудратчиларини жалб этган ҳолда, электр ва газ таъминоти объектларининг техник ҳолатини аниқлаш нуктаи назардан инвентаризация қилинишини таъминласин ҳамда 2018 йил 1 мартга қадар уларни модернизация қилиш Давлат дастури лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий суд ва Адлия вазирлиги билан биргаликда 2017 йил 1 октябрга қадар мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунини танқидий қайта кўриб чиқсин ҳамда унинг янги тахрирдаги лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда мазкур Фармонда белгиланган вазифаларни инобатга олиб, электр энергетикаси ва газ таъминоти соҳасида, заруратга қара, 2018/2019 ўқув йилида қабул қилувчи қўйилган тақдирда янги таълим ва мутахассислик йўналишларини жорий этишни назарда тутган ҳолда, олий ва ўрта махсус, ҳисоб-китоб таълими қадарларини тайёрлаш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ёки авлода энергия ресурсларига нисбатан тежамкорона муносабатда бўлиш ва ундан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўрсин.

26. Ўзбекистон Миллий телерадиоканьяси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Бош прокуратура, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти, шу жумладан, тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишига аҳамияти, энергия ресурсларини истеъмол қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун қўриладиган жавобгарлик чоралари, энергия тежайдиган технологиялари ва муқobil энергия манбаларидан фойдаланишнинг афзалликлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бош прокуратура, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

энергия ресур

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ҲАМДА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ СОҲАСИДА ТЎЛОВ ИНТИЗОМИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ, ШУНИНГДЕК, ИЖРО ИШИ ЮРИТИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Мамлакат ёқилғи-энергетика комплексини модернизация қилиш ҳамда технология қайта жиҳозлаш, электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида шартнома мажбуриятларига сўзсиз рияз этишининг таъсирчан механизмларини яратиш – юртимизда амалга оширилаётган, энг аввало, иқтисодийнинг барча тармоқларини, шу жумладан, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга қаратилган кенг кўламли илмий-технологик муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда электр энергияси ва табиий газ ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ ҳамда узлуксиз таъминлаш, технология жиҳатдан ва маънавий эскирган инфратузилмаларни модернизация қилиш бўйича амалий чораларни кўришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган 2017–2021 йиллар давомида паст кучланишли электр тармоқларини янада модернизация қилиш ва янгилаш дастури доирасида 2,5 миллион нафардан ортиқ истеъмолчиларнинг энергия таъминотини яхшилаш мақсадида 34 минг километр электр тармоқлари ҳамда 6,9 минг дона трансформаторларни модернизация қилиш бўйича 835,9 миллион АҚШ доллари қийматидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, соҳада юзага келган ахвол ва қонуний ҳолатининг таҳлили ўз ечимини кутаётган жиддий муаммо ҳамда камчиликлар мавжудлигига қарамадан, мутасадди идоралар томонидан уларни бартараф этиш бўйича аниқ чоралар кўрилмаётганлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, “Ўзбекэнерго” ва “Ўзтрансгаз” компаниялари Ўзбекистонни ташкил этишдаги хато ҳамда камчиликлар, шунингдек, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш ва дебитор қарздорликни камайтириш билан боғлиқ муаммолар энергия таъминоти соҳасини янада ривожлантириш борасида белгиланган мақсад ва вазифаларни изчиллик билан амалга оширишга тўқнаш қилишмоқда.

Шартнома мажбуриятларини бажармаётган истеъмолчиларга нисбатан таъсирчан чоралар кўрилмаётгани, ҳисобга олиш ва назорат

қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ишларининг оқсатгани дебитор қарздорликнинг кескин ортиши, талон-тароҳликлар ва истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўловлардан бўйин товлаш ҳолатларига олиб келмоқда.

Масалан, 2016 йилда электр ва газ тармоқларига ўзбосимчилик билан уланиш, ҳисобга олиш асбобларига шикаст етказиш ва уларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш каби ҳуқуқбузарликлар 2014 йилга нисбатан 48 фоизга ошган.

Шунга қарамадан, масъул идоралар томонидан бундай ҳолатларга нисбатан тегишли муносабат билдирилмаган.

Соҳа инфратузилмасини техник жиҳатдан, шу жумладан, илгор хорижий тажриба ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда янгилаш юзасидан қўйилган вазифаларнинг бажарилмагани технология йўқотишларнинг тобора ортишига, энергия ресурсларини етказишда сурункали узилтишларга сабаб бўлиб, оқибатда иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришга тўқнаш қилишмоқда.

Электр ва газ таъминоти корхоналари томонидан истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш ҳамда тўловларни амалга ошириш учун кулай шартнолар яратилмаган, замонавий электрон тўлов тизимлари етарли даражада жорий этилмаган, хизмат кўрсатиш маданияти буғунги кун талабларига жавоб бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига электр ва газ таъминоти масалалари бўйича келиб тушган 43 мингдан ортиқ шикоятлар ҳам бундан далолат беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти (кейинги ўринларда Суд департаменти деб юритилади) фаолиятини ташкил этишда юзага келган жиддий камчиликлар фуқаролар, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя қилиниши ҳамда электр энергияси ва табиий газ учун тўловларнинг ўз вақтида ундирилишини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда ушбу тизимда иш ҳажмининг сезиларли даражада ортгани, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишдаги сусткашликлар ундиривларнинг пайдолишига ҳамда ижро иши юритилиш асосиз тўхташ ва тамомлашга олиб келмоқда.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг амалдаги ижроси 2016 йилда

амалда атиги 45 фоизга бажарилгани ҳам шундан далолат беради.

Шу билан бирга, кўрсатиб ўтилган соҳаларда суистеъмолчилик ҳолатларига чек қўйилмаган. Оқибатда 2016 йил ва 2017 йилнинг биринчи чорагида “Ўзбекэнерго” ҳамда “Ўзтрансгаз” компаниялари тизимидagi 665 нафар, Суд департаментининг 36 нафар ходими жиноий жавобгарликка тортилган.

Кўрсатиб ўтилган муаммолар, хато ва камчиликлар энергия ресурслари учун тўловларни ундириш ҳамда ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришни тақозо этилмоқда.

Баён этилганларга асосан ҳамда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, Фармонда электр ва газ таъминоти соҳасида бошқарув тизими, назорат қилиш ҳамда ҳисобга олиш механизмларини янада такомиллаштиришга, тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва жавобгарликни кучайтиришга, шунингдек, ижро иши юритишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, мазкур Фармон билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишига, электр ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш ҳамда талон-торож қилиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олишга, шунингдек, суд ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлашга масъул бўлган Мажбурий ижро бюроси ташкил этилди.

Энергия ресурсларини етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасидаги вазифаларни амалга оширишда Мажбурий ижро бюросига қуйидаги ваколатлар берилди:

– энергия ресурслари етказиб берилиши ва истеъмолини ҳисобга олишнинг тўлиқлиги ҳамда ҳаққонийлиги, улар учун ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан текширишлар ўтказиш;

– етказиб берилган энергия ресурслари учун қарздорликни истеъмолчилар – юридик шахслар ва яқна тартибдаги тадбиркорларнинг банк ҳисобрақамларидан сўзсиз ундириш;

– етказиб берилган энергия ресурслари учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги қарздорликни истеъмолчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш тўғрисида иш берувчиларга талабномалар юбориш;

– энергия ресурсларини етказиб бериш ва фойдаланиш соҳасидаги қоидаларни бузганлик учун юридик шахсларга белгиланган тартибда молиявий жарима қўллаш;

– ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаган ҳолларда, истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиш;

– энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш.

2. Суд департаменти тугатилди, “Ўзбекэнерго” ва “Ўзтрансгаз” компанияларининг истеъмолчилар билан ишлаш бўйича электрон-монитор ҳамда табиий газни ҳисобга олиш ва реализация қилиш бўйича назоратчи штат бирликлари қисқартирилди.

Мажбурий ижро бюросининг давлат ижрочиларига – суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатлари ижросини, давлат инспекторларига эса – етказиб берилган энергия ресурслари учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундиришни амалга ошириш юклатилди.

“Ўзбекэнерго” ва “Ўзтрансгаз” компанияларида тузилган шартномаларга асосан истеъмолчиларни энергия ресурслари билан таъминлаш, электр ва газ тақсимлаш тармоқларига техник хизмат кўрсатиш вазифа ҳамда функциялари сақланиб қолмоқда.

3. Ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, шунингдек, энергия ресурслари учун қарздорлик мавжуд бўлганда истеъмолчиларни тармоқдан узиш тартиби аниқлаштирилди. Унга мувофиқ, 2017 йил 1 июлдан бошлаб истеъмолчи – жисмоний шахслар ҳар ойнинг 10 санасига қадар ўтган ойда фойдаланилган энергия ресурслари учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт.

Юридик шахслар ва яқна тартибдаги тадбиркорларга энергия ресурслари олдиндан 100 фоизлик ҳақ тўлаш асосида етказиб берилди.

Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, истеъмолчилар тармоқдан мажбурий узилади, бунда қайта улаш учун жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан, юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдорда тўлов ундирилиши.

Бундан ташқари, Фармонда электр энергияси ва табиий газдан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини ҳамда бошқа замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар назарда тутилди.

Хусусан, истеъмолчилар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолати ҳақидаги ҳаққоний маълумотларни берадиган ва электрон тўлов тизимлари билан интеграция қилинган Ўзбой коммунал, электр ва газ таъминоти хизматлари кўрсатишининг ягона биллинг тизими ташкил этилади.

Мазкур тизим истеъмолчиларга қарздорлик мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни электрон шаклда олиш ҳамда тўловларни амалга ошириш имконини беради.

Шу билан бирга, Қарздорликни ундириш масалалари бўйича идоралараро электрон ҳамкорликнинг ягона тизими ҳам яратилди. Ушбу тизим жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ ҳолати ҳақидаги маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда қарздорликни ундириш самарадорлигини оширади.

Фармон ижроси доирасида манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан энергия ресурслари истеъмолчилари хатловдан ўтказилади. Бунда кадастр ҳамда лойиҳа ҳужжатлари, шартномалар, тармоқларга уланиш схемалари, ҳисобга олиш асбоблари ва уларнинг соғлиғи ўрганилиб, амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда ушбу соҳада қонунийликни таъминлаш чоралари кўрилади.

Жамиятда энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш муҳитини ҳамда энергия ресурсларини талон-торож қилиш ҳолатларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, шунингдек, энергия ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу муносабат билан, Бош прокуратурага энергия ресурсларини етказиб бериш, истеъмол қилиш ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари сўзсиз рияз этилиши устидан назорат самарадорлигини ошириш бўйича аниқ вазифалар юклатилди.

Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилиши – электр энергетика ва газ тармоқларини модернизация қилишга, истеъмолчиларни энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлашга, мамлакат иқтисодиётини, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришга, суд қарорлари ижросининг самарадорлигини, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга ҳамда жамиятда қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2017–2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

2017–2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирларига доир қабул қилинган Дастур доирасида 42 та янги гидроэлектростанция қуриш ва ишлаб турган 32 та гидроэлектростанцияни модернизация қилиш ҳисобига 2025 йилга қадар республикамизнинг экологик тоза гидроэнергия ишлаб чиқариш қувватларини 1,7 баробарга ошириш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, қўрилаётган чора-тадбирларга қарамадан, миллий иқтисодиётнинг энергия ситими юқориликка қолмоқда, қайта тикланувчи энергия манбаларини сонаот ишлаб чиқаришга жалб этиш ҳисобига ёқилғи-энергетика балансини диверсификациялаш даражаси жаҳон тенденциясига жавоб бермайди. Электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда бирламчи ёқилғи сифатида асосан табиий газ ва бошқа аънанавий углеводород ёқилғи турларидан фойдаланилмоқда.

Электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбаларининг (кўёш, шамол ва биогаз энергияси, кичик табиий ва сунъий сув оқимларининг гидроэнергияси) мавжуд юқори имкониятларидан амалда фойдаланилмапти.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг энергия ситимини қисқартириш, миллий илмий-техникавий ишланмалар ва синоддан ўтган халқаро энергетикамкор илгор технологиялар тадқиқотларини амалиётда мақсадли жорий этиш соҳасида белгиланган устувор йўналишларни рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Қуйидагилар 2017–2021 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш соҳасида инновация технологияларини, илмий-техникавий ишланмаларни жорий этиш ва энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи жиҳозлар ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштиришни, жумладан, технологияларни трансфер қилиш ва муҳандислик марказларини ташкил этиш йўли билан кенгайтириш;

қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбаларидан, иккиламчи энергетика ресурсларини энергетик утилизация қилишдан фойдаланган ҳолда, электр энергия ишлаб чиқариш, кўёш, шамол энергияси, микро ва кичик гидроэлектростанциялардан фойдаланишнинг синоддан ўтган технологиялар асосида энергия ишлаб чиқариш қувватларини яратишга тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш орқали ёқилғи-энергетика балансини диверсификациялаш;

замонавий энергия самарадор ва энергия тежамкор технологиялари асосида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва янгиларини яратиш орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар энергия ситимини камайтириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси, “Ўзбекэнерго” АЖ ва “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан ишлаб чиқилган 2017–2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) маъқуллансин, Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантиришнинг мақсади кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

қайта тикланувчи энергетикани ривожлантиришга доир инвестиция лойиҳалари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

2017–2021 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ривожлантириш ва энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари 3-иловага мувофиқ;

2017–2021 йилларда иқтисодиёт тармоқларида энергия ситимини камайтириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежасининг мақсади кўрсаткичлари 4 ва 4-а” иловага мувофиқ;

2017–2021 йилларда бюджет ташкилотларида энергия самарадор иситиш қозонларини жорий этиш жадвали 5-иловага мувофиқ;

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотлари насос станцияларида энергия самарадор насослар ва электродвигателларни жорий этиш жадвали 6-иловага мувофиқ.

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, масъул ижрочилар – вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳбарларига мазкур қарор билан маъқулланган Дастурдаги чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий масъулият юклансин.

Тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши учун масъул бўлган вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари ҳар бир параметр ва лойиҳа бўйича “йўл харитаси”нинг бир ой мuddатда ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши шартли таъминлансин.

3. Энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича Республика комиссиясининг янгиланган таркиби 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссиясига (А.Н.Арипов), зарур ҳолларда, ушбу қарор билан маъқулланган чора-тадбирлар Дастурини мақсадли ва прогноз кўрсаткичларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фан ва технологиялар агентлиги, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ, Халқаро кўёш энергияси институтини, “Ўзбекэнерго” АЖ Илмий-техник маркази икки ой мuddатда қайта тикланувчи манбалар энергиясидан фойдаланиш, шу жумладан, кўёш энергетикасини ривожлантириш, энергия самарадорлиги соҳасидаги маҳаллий ишланмалар ва амалий тадқиқотларни, шунингдек, синоддан ўтган хорижий илгор технологияларни трансфер қилиш имкониятини таҳлил қилиш асосида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларида қайта тикланувчи манбалар энергиясини мақсадли жорий қилиш ва кўёш энергетикасини ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги “Ўзбекнефтгаз” МХК, “Ўзбекэнерго” АЖ ва “Ўзбекгидроэнерго” АЖ билан биргаликда ҳар йили ёқилғи-энергетика ресурсларини ишлаб чиқариш ва истеъмоли прогноз кўрсаткичларини шакллантиришда уларнинг ҳажмларини ушбу қарорнинг 4 ва 4-а” иловаларига мувофиқ назарда тутисин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасида, шунингдек, ма-

ҳаллий бюджетлар кўрсаткичларида Дастурга киритилган чора-тадбирларнинг бажарилиши учун зарур маблағларни асосланган ҳисоб-китобларга қўра назарда тутисин.

7. Белгиланган қуйилсинки:

Белгиланган қувватлари тегишли равишда 0,2 МВт ва 30 МВт бўлган микро ва кичик гидроэлектростанциялар, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда, электр энергияси ишлаб чиқарувчи истеъмолчилар, шунингдек, ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар, қайта тикланувчи энергия манбаларидан ва иккиламчи энергетик ресурслардан фойдаланган ҳолда энергия ишлаб чиқарувчилар ягона электр энергетикаси ва электр энергияси истеъмолчиларининг тармоқларига қонунчилик талабларига мувофиқ блок-станциялар шартларида уланишлари мумкин;

қайта тикланувчи энергия манбалари ва иккиламчи энергетик ресурслардан фойдаланадиган қурилмалар ягона электр энергетикаси тизими операторининг диспетчерлик графикада электр энергиясини сотиб олиш бўйича қазилма ёқилғиларидан фойдаланадиган энергия ишлаб чиқарувчи қувватларга нисбатан устуворликка эгадир;

мавжуд электр тармоқларини реконструкция қилиш ва (ёки) кенгайтириш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини (қурилмаларини) улаш билан боғлиқ харажатлар ушбу тармоқ эгалари томонидан, ягона электр энергетикаси тизимига улаш нуктасига эса – қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчи томонидан амалга оширилади;

ягона электр энергетика тизимига етказиб берилаётган қайта тикланувчи энергия манбаларидан (“Ўзбекгидроэнерго” АЖдан ташқари) ишлаб чиқарилган электр энергияси учун ҳисоб-китоблар учун амалдаги тариф қийматида (қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмagan ҳолда), ягона электр энергетика тизими бўйича электр энергияси бирлигини етказиб бериш таннархига камайтирилган қийматда, шунингдек, худудий электр тармоқлари корхоналарининг электр энергияси бирлигини тақсимлаш ва сотиш қиймати-га камайтирилган ҳолда, амалга оширилади.

Бунда қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмagan ҳолда ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги “2015–2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажминини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги ПҚ-2343-сонли қарори 5-бандининг иккинчи ҳақида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озоқ қилиш бўйича имтиёз ва преференцияларнинг амал қилиш даврида амалга оширилади.

Худудий электр тармоқлари корхоналари “Ўзбекэнерго” АЖ ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда, қайта тикланувчи энергия манбалари асосида электр энергия ишлаб чиқарувчи истеъмолчилардан электр энергия сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш ҳуқуқига эгадир.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда лойиҳалар ташаббускорларига ер участкаларини ажратишда ва лойиҳа ташаббускорлари мурожаатларига асосан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи ускуналарни қуриш лойиҳаларини ваколатли давлат органлари билан “ягона дарча” тамойили орқали келишишда қонунчиликда

белгиланган тартибда қўмақлашсин;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи ускуналарни қуриш ва фойдаланишга топширишда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш муддатларига ижро этилиши юзасидан назоратни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ф.И.Ибрагимов) уч ой мuddатда углеводород ёқилғисини қазиб олиш, қайта ишлаш, транспортировка қилиш, тақсимлаш, углеводород ёқилғисидан фойдаланиш, уни қайта ишлаш орқали энергияни сонаот турларига айлантириш, иссиқлик ва электр энергиясидан фойдаланиш ҳолати устидан давлат назорати тизимини такомиллаштириш бўйича чоралар кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 апрелдаги Ф-4891-сон фармойиши билан ташкил қилинган Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чўқурлаштириш Комиссияси билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган рўйхатга асосан, республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган, Д

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “2017-2021 ЙИЛЛАРДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГЕТИКАНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ СОҲАДА ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Сўнгги йилларда республикаимизнинг иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳасида энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича кенг қўлланма ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 мартдаги “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва 2015 йил 5 майдаги “2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан:

энергия самарадорлиги ва энергиянинг қайта тикланувчи манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссияси ташкил этилди, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги таркибда республика комиссиясининг ишчи органи сифатида энергия самарадорлигини ошириш бўлими ташкил этилди;

Тошкент шаҳрида Қуёш энергияси халқаро институти фаолият кўрсата бошлади;

Осиё тараққиёт банки қўмағида Ўзбекистонда қуёш энергетикасини ривожлантиришнинг “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди;

Наманган вилоятининг Поп туманида Корея Республикасининг Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги қўмағида 2014 йилнинг декабрь ойида қуввати 130 кВт бўлган қуёш фотоелектрик станцияси қурилди ва ишга туширилди, ушбу станция ягона электр энергетикаси тармоғига уланган ва йилга 234,3 минг кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга;

Сурхондарё, Наманган ва Навоий вилоятларида йирик қуёш фотоелектрик станцияларини қуриш бўйича лойиҳалар тайёрланмоқда;

Жаҳон банки иштирокида Ўзбекистон Республикасининг шомоллар Атласи ишлаб чиқилди, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида қуввати 750 кВт бўлган таърибавий шомол энергоқурилмасини қуриш бўйича инвестиция лойиҳалари якуновчи босқичига кирди.

2016 йил якунида бўйича иқтисодиёт тармоқларида 2016/2017 йил куз-қиш мавсумида энергоресурсларни тежай бўйича қўшимча чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда, 1210,3 миллион кВт.соат электр энергияси ва 991,2 миллион куб метр табиий газни иқтисод қилишга эришилди, бу эса тармоқларнинг 2016 йилдаги истеъмолининг мос равишда 5,1 ва 3,6 фоизини ташкил этади. Амалга оширилган ишлар натижасида 2015 йилда ялпи ички маҳсулотнинг энергия сифими 10,8 фоиз, 2016 йилда 7,2 фоиз ва 2017 йилнинг биринчи чора-

гида 12,7 фоиз қисқаришига эришилди.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг жадал ривожлантиришга тўққинчи қилаётган бир қатор ўз ечимини қутаётган масалалар мавжуд.

Республика ҳудудларида қайта тикланувчи энергия манбалари энергиясидан фойдаланиш бўйича заҳиралар тўлалигича ишга солинмаган, улар бўйича ҳудудий манзилли дастурлар ишлаб чиқилиши зарур.

2030 йилга бориб 2016 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотнинг энергия сифими икки баробар қисқартириш бўйича қўйилган топшириқларни ҳисобга олган ҳолда, корхона ва ташкилотларга энергия сарфи ҳажмини қисқартириш бўйича аниқ мақсадли параметрларни белгилаш зарурати мавжуд.

Ушбу муҳим вазифаларни инobatта олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 2017-2021 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг энергия сифими янада қисқартириш, маҳсулот таннаҳини камайтириш ва қайта тикланувчи манбалар энергиясидан фойдаланишни кенгайтиришга йўналтирилган.

Иқтисодиётни энергия ресурслари билан иккита вазифани ҳал этиш орқали таъминлашни назарда тутилмоқда. Биринчидан, қайта тикланувчи энергия ресурсларидан кенг фойдаланиш орқали ёқилғи балансини диверсификациялаш. Бунда аъъанавий ёқилғи турларини қайта тикланадиган энергия турларига алмаштириш ҳисобига уларнинг электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришдаги ҳиссасини камайтириш назарда тутилмоқда. Иккинчидан, иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришнинг энергия сифимини қисқартиришнинг узок муддатли дастурини амалга ошириш, саноат фаолияти ҳудудларининг экологик ҳолатини яхшилаш орқали эришилади.

Яқин истикболда устувор вазифа сифатида иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сифимини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергияни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, меҳнат самарадорлигини ошириш кўзда тутилмоқда.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан жадал фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш иссиқлик ва электр энергияси каби энергиянинг саноат турларини олишни таъминлашга йўналтирилган бўлиб, бу углеводородларнинг ўрнини босишга ва уларни юқори ликвидли маҳсулотлар, хусусан, полимерлар, ёқилғининг синтетик турларини ишлаб чиқаришга йўналтириш имконини беради.

Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академияси, Фан ва технологиялар агентлиги, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ, Халқаро қуёш энергияси институти, “Ўзбекэнерго” АЖ

Илмий-техник маркази икки ой муддатда қайта тикланувчи манбалар энергиясидан фойдаланиш, жумладан, қуёш энергетикасини ривожлантириш, энергия самарадорлиги соҳасидаги маҳаллий ишланмалар ва амалий тадқиқотларни, шунингдек, синовдан ўтган илғор хорижий технологияларни трансфер қилиш имкониятини таҳлил қилиш асосида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини мақсадли жорий қилиш ва қуёш энергетикасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиши белгиланган.

Бундан ташқари, қарорда қуйидагилар тасдиқланган:

қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари, бунда 2025 йилга келиб электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватлари таркибида қайта тикланувчи энергия манбаларининг ҳиссасини 12,7 фоиздан 19,7 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда, жумладан, гидроэлектростанциялар бўйича 12,7 фоиздан 15,8 фоизга, қуёш энергетикаси бўйича 2,3 фоизга, шамол энергетикаси бўйича 1,6 фоизга;

қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг рўйхати, бунда 2017-2025 йилларда умумий қиймати 5,3 миллиард доллар бўлган 810 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда;

2017-2021 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш ва энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари, унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, манзилли дастурларни ишлаб чиқиш ва бошқа устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича 28 та чора-тадбир кўзда тутилган;

2017-2021 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришнинг энергия сарф ҳажмини қисқартиришнинг мақсадли параметрлари, бунда 25 та йирик ташкилот ва корхона бўйича саноат маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришда энергия сарфининг солиштира нормаларини қисқартиришнинг прогноз кўрсаткичлари белгиланган;

2017-2021 йилларда бюджет ташкилотларида энергия истеъмоли жиҳатидан самарадор иситиш қозонларини жорий қилиш жадвали, бунда Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 6333 та бюджет ташкилотининг 17251 иситиш қозонини алмаштириш кўзда тутилган;

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотлари насос станцияларида энергия истеъмоли жиҳатидан самарадор насослар ва

электродвигателларни жорий қилиш графиги, бунда Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотларида 879 та насос ва 1523 та электродвигателни алмаштириш кўзда тутилган.

Ушбу ишларни молиялаштириш учун 2017-2021 йилларда давлат бюджетидан 314,1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади.

Ушбу қарор доирасида қабул қилинган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши қуйидагиларни таъминлаш имконини беради:

қонунчилик ва норматив базани такомиллаштириш, шунингдек, энергия тежайдиган технологияларни, замонавий ҳисоблаш ускуналарини жорий қилишга ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан янада оқилона фойдаланишга аҳолини ва хўжалик юритувчи субъектларни кенг жалб қилиш;

2025 йилга бориб электр энергияси ишлаб чиқариш қувватлари таркибида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини 12,7 фоиздан 19,7 фоизга етказиш;

ишлаб чиқаришнинг энергия сифимини кескин қисқартириш (9 792,0 тонна шартли ёқилғи ёки йилга 8-10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда);

Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 6333 та бюджет ташкилотиди 17251 та иситиш қозонини замонавий энергияни тежайдиганларига алмаштириш ва 56,5 миллион куб метрдан ортиқ табиий газни тежай;

Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотларида 1523 та энергияни қўп истеъмоли қилувчи электродвигателни ва 879 та насосни алмаштириш ва 807,3 миллион кВт.соатдан ортиқроқ электр энергиясини тежай қолиш; энергияни тежайдиган технологияларнинг кириб келишини кенгайтириш, солиқ ва боғжона имтиёзлари бериш ҳисобига қайта тикланувчи манбалардан энергия ҳосил қилувчи ускуналарни қўллаган ҳолда энергиядан фойдаланишни рағбатлантириш;

қайта тикланмайдиган углеводород ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатдошлигини ошириш, шу асосда иқтисодиёт тармоқларини ва аҳолини ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаб бориш;

қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия истеъмоли жиҳатидан самарадор технологияларни трансфер қилиш, ушбу соҳадаги ускуналар ва бутловчи қисмларни маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш;

аҳоли учун қафолатланган энергия ресурсларининг очиклигини таъминлаш, айниқса, узок қашлоқ ҳудудларида аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш ва уларнинг фаровонлигини ошириш.

маълумотлар кўрсатилмагани, мурожаатнинг моҳияти баён этилмагани, бўйсунув тартибда юқори турувчи органга шикоят ҳисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқларини бузувчи ҳаракат содир этилганлиги маълум бўлган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктириб берилгани, вакиллар орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ёлгон маълумотларни баён этилиши каби омиллар билан боғлиқ, – дейди Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Толибжон Умаров. – Баъзи ҳолларда мурожаатда кўрсатилган манзил ё телефон рақами бошқа бўлиб чиқмоқда. Бу мазкур мурожаатнинг аноним характерга эга эканини кўрсатади. Шу боис улар рад этилади ёки кўрмасдан қолдирилади. Бу аҳолининг ҳуқуқий онгини, хусусан, мурожаат маданиятини юксалтириш ҳамон долзарб масала бўлиб турганини аналтади.

Халқ қабулхоналари институти мамлакатимизда ҳар бир соҳа ва ҳудуддаги асл манзарани, мавжуд аҳолининг реал қўриш ва баҳолаш имконини бермоқда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ижро ҳокимияти фаолиятини янада самарали йўлга қўйишда муҳим омил бўлмоқда.

Биргина Тошкент шаҳар прокуратурасига келган мурожаатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида пойтахтимизнинг қайси туманида аҳоли асосан қандай масалаларни кўп тартибига кўтариб чиқаётгани ойдинлашди. Балки бир идоранинг таҳлиллари якуний хулоса бўлмаслиги мумкин, бироқ шунинг ўзи Халқ қабулхоналари – мурожаатларга асос бўлган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш мақсадида ҳаётий тақлифлар тайёрлаш имконини беришга қодир институти сифатида шаклланаётганининг исботидир.

Бундай жонли мулоқотлар, қизгин баҳс-мунозаралар кузатуви бир ҳақиқатни кўрсатади: одамларда мурожаат маданияти юксалмоқда – илгари қўп учраган беҳуда бақир-чақирлар, асосли-асоссиз талаб қилишлар камайиб, ҳақли талабни оғир-вазминлик билан тушунтириш, адолат қарор топиши учун қонун доирасида амалий ёрдам сўраш қўпаймоқда. Ўз навбатида олдингидек қовоғидан қор ёққан, “шиқоятингни ўрганишдан бошқа ишим йўқми?” дейдиган раҳбар ё масъул ҳодимларни деярли учратмайсиз. Мулоқотлар ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳурмат қилиш асосида кечмоқда.

Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилса, аҳоли ўз ҳаётидан мамнун бўлса, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги мустаҳкамланади, муаммолар камаяди, тараққиётнинг янги ўфқлари очилади, фаровонлик юксалади. Буларга эришмай туриб, одамларни ҳаётдан рози қилиб бўлмайди.

Умид ЁҚУБОВ,
Ўза муҳбири



● Андижонда “Жаррохликнинг долзарб муаммолари” мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда жаррохлик амалиётида янги технологиялардан самарали фойдаланиш, хасталикларни эрта аниқлаш ва даволаш, илмий-тадқиқот ишларини сифат жиҳатидан янада юқори даражага кўтариш, хорижлик мутахассислар билан ҳамкорлиқни, халқаро алоқаларни кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди. Россия, Германия, Украина, Қирғизистондан келган олимлар, мутахассисларнинг мавзуга доир маърузалари тингланди.

● Навоийда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида аъъанавий ўтказиб келинаётган “Сиз қонунни биласизми?” кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Вилоят адлия, ички ишлар, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 10 жамоа иштирок этди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманида нон, нон маҳсулотлари ва макорон ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона иш бошлади. “Тахиятош дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган корхонада кунига 3 турдаги 1 минг 500 килограмм нон маҳсулотлари ва 2 турдаги 2 минг 500 килограмм макорон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, бу ерда 19 ишчининг доимий бандлиги таъминланди.

● Наманган шаҳрида янгидан барпо этилган Бобораҳим Машраб номидаги хиббонда “Китобхонлик байрами” тадбири бўлиб ўтди. Бобораҳим Машрабнинг 377 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ва “Китобхонлик байрами” вилоят таълим муассасалари, ташкилот ва маҳалаларда ҳам ўтказилмоқда.

● Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманидаги “Лочин” болалар соғломлаштириш оромгоҳида “Камалак” болалар ташкилоти сардорларининг XVI республика анжумани бўлиб ўтди. Анжуман якунида лойиҳа ва танловлар ғолиблари ҳамда фаол ёшлар муносиб тақдирланди. Театр гуруҳлари ва таниқли эстрада хонандалари иштирокидаги гала-концерт тадбирга байрамона кайфият бағишлади.



● Хитойлик олимлар томонидан ишлаб чиқилган чуқур сув остида ишлашга мўлжалланган батискаф ўз бошқарувчиси билан сув остида олти соатлик дастлабки тест синовларидан муваффақиятли ўтди. Эндиликда янги техник восита жорий йилнинг июль ойида денгиз шароитида яна бир бор синов кўрилган келгусида океанда 7 километрик чуқурликда ўтказиладиган тадқиқот ишларига жалб этилади.

● Швециялик режиссёрлар томонидан суратга олинган “Квадрат” фильми халқаро нуфузли Канн кинофестивалининг бош мукофоти – Олтин пальма япроғига сазовор бўлди.

● Франциянинг гарбий қисмида илгари фанга номмаълум бўлган плезиозавр (динозаврсимон мавжудот)нинг қолдиқлари топилди. Тахминларга қараганда, ушбу жонивор бундан 90 миллион йиллар муқаддам ҳаёт кечирган экан. Мазкур археологик топилманинг ноёблиги шундаки, илгари плезиозаврларнинг Европада яшаганлиги тўғрисида далиллар йўқ эди – уларнинг қолдиқлари фақат Америка ва Африка қитъаларидан топилганди.

● Хитой саноатида кейинги пайтларда кенг миқёсда ўсиш кузатишмоқда. Жумладан, Хитой миллий саноати бюросининг маълумотларига қараганда, жорий йилнинг биринчи чорагида саноат корхоналарининг даромади ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24,4 фоизга ўсган. Таъкидлаш жоизки, ҳозирда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 3,1 қисмини саноат корхоналари ишлаб чиқармоқда.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИНИ ОЧАДИ

Юқоричирчиқлик М.Шарипова 2015 йил 12 октябрдан шу йилнинг 27 мартига қадар “Тошкент механика заводи” акциядорлик жамиятида назоратчи бўлиб ишлаган. Ўз аризасига кўра ишдан бўшаган. Бироқ у жорий йил февраль ва март ойлари учун иш ҳақи, бошқа компенсация пулларини вақтида ололмаган.

Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига мурожаатдан сўнг Тошкент шаҳар прокуратураси бу аризани назоратга олган. Натижада қисқа муддатда аёлга 1,7 миллион сўмдан зиёд пул тўлаб берилган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев гоёси билан асос солинган Халқ қабулхоналари институти одамлар билан фаол ва очик мулоқот олиб бориш, мурожаатларни ҳал қилиш, муаммоларга ечим топишда фойда самарали восита бўлмоқда. Давлат идоралари халқимизга хизмат қилиб, одамлар талаб-истаклари асосида ишлаб бошлагани ҳаётимизда сезилмоқда. Инсон қалбига йўл топишмоқда. Зотан, мамлакатимизнинг стратегик мақсадларига, қўзланган юксак марраларга халқ билан мулоқот қилиш, одамларнинг ичига кириш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, инсон манфаатларини таъминлаш орқалигина эришиш мумкин.

Бу жиҳатлар Тошкент шаҳар прокуратураси амалга ошираётган ишларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Президентимизнинг Виртуал қабулхонаси орқали жорий йил бошидан 15 майга қадар Тошкент шаҳар прокуратурасига 3 минг 917 мурожаат келиб тушган.

– Мазкур мурожаатларнинг 394 таси қаноатлантирилган, 3 минг 99 таси бўлишга тушуштириш берилган, 339 таси рад этилган, 125 таси кўрмасдан қолдирилган, – дейди Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари Ёрқин Абдуллаев. – Халқ этилган мурожаатлар бўйича 22 протест, 5 тақдиминома, 711 миллион сўмини ундириш бўйича 293 даъво аризаси киритилган, 282 миллион сўм ихтиёрий ундирилган, 4 жиноят иши кўзга тилган.

Шу даврда тадбиркорларнинг 85 мурожаатидан 1 таси қаноатлантирилган, 74 тасига тушуштириш берилган, 3 таси рад этилган, 3 таси кўрмай қолдирилган. Халқ этилган электрон мурожаатлар бўйича 262 миллион сўм ихтиёрий ундирилган. Буларнинг барчаси про-

кура тура органларидан мазкур йўналишдаги фаолиятни янада кучайтиришни, қонунбузилишларга қатъий муносабат билдириб, бузилган ҳуқуқларни амалда тиклашни талаб этади.

Яшнободиги Ирода Шоймардонова турмушдан ажрашган. Қарамоғида бир фарзанди бор. У шу йил 18 февралда тўланган алимент пулини почта алоқа бўлимида вақтида ололмаётганидан шикоят қилиб мурожаат йўллаган. Тошкент шаҳар прокуратурасининг текшируви натижасида 21 февралда аёлга 1,7 миллион сўмдан зиёд алимент пули тўлаб берилган.

Яккасаройлик Шахноза Қомилова шу йил 31 март куни “Roison Electronics” компанияси билан шартнома тузган. Унга кўра фуқарога автомат кир ювиш машинаси етказиб берилиши керак эди. Бироқ шартномада назарда тутилган муддат ўтганига қарамай, аёлга маҳсулот етказиб берилмади. Истеъмоличининг Виртуал қабулхонага мурожаатидан сўнг унга шартномада кўрсатилган автомат кир ювиш машинаси ажратилган.

Зангиоталик Робия Азаматова Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабаси. Унинг шу йил 17 январдаги мурожаатида айтилишича, институтнинг катта ўқитувчиси Т.Раҳматов талабага қонқарли баҳо қўйиб бериш эвазига ундан электр пенкаси олган. Тошкент шаҳар прокуратураси ходимлари мазкур мурожаатни ўрганганда, Т.Раҳматовнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари аниқланган ва унга нисбатан тегишли чоралар қўрилган.

Албатта, халқ этилган мурожаатлар ўз-ўзидан тушунарли. Бироқ юқорида айтилган баъзи маълумотлар – айрим мурожаатлар нима сабабдан рад этилгани ёки кўрмай қолдирилгани ўқувчиларга қизиқ. Хўш, буларга сабаб нима?

– Булар асосан мурожаатлардаги жисмоний шахсларнинг фамилияси, унинг яшаб жойи тўғрисидаги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони билан Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси этиб қайта ташкил этилди ҳамда у ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бериши белгилаб қўйилди.

Асосий Қонунимизнинг 80-моддасига киритилган ўзгаришларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими биноан Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш, шунингдек, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раисининг ҳисоботини эшитишни Олий Мажлис Сенатининг ваколатларидан чиқариш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими биноан Олий Мажлис Сенати томонидан Судьялар олий кенгаши тасвир этган шахслар орасидан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилини қўшган ҳолда сайланади.

Асосий Қонунимизнинг 108 ва 109-моддаларига киритилган тузатишларда конституциявий қонунларнинг, халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг имзоланунига қадар Конституцияга мувофиқлигини текшириш, Олий суднинг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатларни қўриб чиқиш, шунингдек, ҳар йили Олий Мажлис палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунчиликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш борасидаги Конституциявий суднинг ваколатларини кенгайтириш назарда тутилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу ўзгариш ва қўшимчалар экология ва атроф-муҳит соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга, шунингдек, Конституциявий суд фаолиятининг самардорлигини ва нуфузини оширишга қўмаклашди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг Конституциявий суднинг ваколатларини кенгайтиришга, уни шакллантириш тартибини янада демократлаштиришга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни қўриб чиқилди.

Қонунда судьялар ваколатларининг муддати ва судьяликка номзодларга қўйилган талаблар аниқ белгилаб қўйилган, шу жумладан, Конституциявий суд аъзоларининг икки мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмаслиги, амалдаги 5 йиллик ваколат муддати сакланиб қолиши белгиланмоқда. Судьяликка номзодларга нисбатан ёш цензини 30 дан 35 ёшга қўтариш ва судья лавозимига бўлишнинг энг юқори ёши етмиш ёшга ташкил этиши назарда тутилмоқда. Судьяларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш асослари кенгайтирилмоқда.

Конституциянинг устуворлиги, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги каби принциплар қўшилганлиги ҳисобига Конституциявий суд фаолиятининг асосий принциплари кенгайтирилди. Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Конституциявий судда қўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар қаторига киритилди.

Ҳуқуқий ҳужжатда Конституциявий суд фаолиятининг ташкилий масалалари батафсил очиб берилмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда “Суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ҳодимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун қўриб чиқилди. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ва 2017 йил 19 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Оқил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги қайд этилди.

Низомга киритилган ўзгаришларга мувофиқ судларнинг, Судьялар олий кенгашининг, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Оқил судлов муаммоларини ўрганиш бўйича тадқиқот марказининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимларининг ходимларига махсус ўнвонлар – мансаб даражалари берилишини назарда тутуви тартиб ўрнатилмоқда.

Ушбу ўзгариш ва қўшимчалар суд ҳокимияти фаолиятининг самардорлигини ва нуфузини оширишга қўмаклашди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўриб чиқилди. Қонун 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Қараратлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва қарорларини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилганлиги таъкидланди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самардорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончи ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини қўчайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунга, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги, “Парламент назорати тўғрисида”ги, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунларга ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Қонунда ўрнатилган тартибга қўра, Олий Мажлис Сенати ички ишлар вазирлигини ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахборотини, ташқи ишлар вазирининг ўз фаолияти ҳақидаги ахборотини йилгига икки марта эшитиш, Олий Мажлис Қонунчилик

палатаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотини Олий Мажлис палаталарининг тегишли кўмиталарида дастлабки тарзда қўриб чиққан ҳолда йилгига икки марта эшитиш.

Қонунда Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси бундан буюн Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бериши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими биноан Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш, шунингдек, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раисининг ҳисоботини эшитиш Олий Мажлис Сенатининг ваколатларидан чиқариш назарда тутилмоқда. Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ўз қучини йўқотган деб топишмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганларидек, ўзгариш ва қўшимчалар давлат бошқаруви органлари фаолиятининг тизимликланиши оширишга, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фаолияти устидан парламент назоратини қўчайтиришга қўмаклашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Маммурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритилмоқда. Ушбу ўзгаришлар ерлардан ҳўжасизларча фойдаланганлик ёки уларни яроқсиз ҳолга келтирилганлик, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини, сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини, саноат, рўзгор қичқиндилари ва ўзга қичқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, қўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик, шу жумладан, ушбу ҳуқуқбузарликларни тақдоран содир этганлик учун жавобгарлиқни қўчайтиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурига мувофиқ “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Мазкур ўзгариш ва қўшимчалар тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар тоифасини аниқлаш ва васий ёки ҳомий этиб тайинланишига тўққинлик қиладиган касалликларга чалинган шахсларни васий ёки ҳомий этиб тайинлашга таъқиқ ўрнатишни назарда тутилмоқда.

Туманларнинг маҳаллий бюджетлари учун қўшимча манбаларни шакллантириш ва маҳаллий бюджетларнинг республика бюджетига қарамлигини босқичма-босқич камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ушбу ўзгариш ва қўшимчаларда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг бошқа даромадлари таркибига акцияларнинг давлат улуши (пайи) бўйича дивидендлари (даромадлари) ҳам киритиш, бундан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) мустасно, ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг бошқа даромадлари таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлари (даромадлари) ҳам киритиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, ҳусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастурига мувофиқ “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунга, Ҳўжалик процессуал кодексига, Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ушбу ўзгариш ва қўшимчалар давлат солиқ хизмати органлари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни янада кенгайтиришга, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғишга сарфланадиган харажатларни камайтириш таъминлайдиган маъмуриятчилик ишларини такомиллаштиришга, масофавий (камерал) назоратни кенг жорий этишга ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, судлар ва жараён иштирокчилари ўртасида ҳужжатлар айирбошлаш механизмини соддалаштиришга ва теъзорлигини оширишга қаратилган.

Ҳўжалик ишларини, шу жумладан, электрон шаклда шакллантириш тартиби белгиланмоқда. Бу эса дастурий таъминот ишлаб чиқишни, шунингдек, суд мажлислари залларида замонавий компьютерлар, сканерлар ва бошқа ускуналар ўрнатишни назарда тутди.

Сенаторларнинг фикрича, мазкур тузатишларнинг киритилиши солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғишга сарфланадиган харажатларнинг камайтириш таъминлайди, жараён иштирокчиларининг молиявий харажатларини ва кенгайтириш вақтини қисқартириш, шунингдек, солиқ органлари, судлар ва солиқ тўловчиларнинг вақтини тежаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги “Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ айрим қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ушбу ўзгариш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига қўра ҳусусийлаштирилган объектларни, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига давлат мулкнинг стратегик бўлмаган объектларини, шу жумладан, давлатнинг қўчмас мулк объектларини инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда “ноль” қийматида сотиб олиш бўйича реализация қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилиши муносабати билан айрим объектларни давлат тасаруфидан чиқариладиган ва ҳусусийлаштирилган объектлар рўйхатидан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига ҳам ўзгаришлар киритилмоқда. Жумладан, Бош прокурор зиммасига юклатилган вазифаларнинг сифатли ижросини таъминлаш мақсадида алоҳида ҳолларда, прокуратура органларидаги хизматга иқтисодиёт, молия, соҳилчилик, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ва бошқа соҳаларда олий маълумотга, зарур билим ва тажрибига эга бўлган мутахассисларни қабул қилиш ҳуқуқи берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонунини (янги таҳрири) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Дори воситаларини ва тиббиёт буюмларини сотиш, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ижро этиш мақсадида қонун билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритилмоқда. Ҳусусан, дори воситалари, тиббиёт учун мўлжалланган буюмлар каби тушунчаларга янги таърифлар берилди, тиббий техника, доривор ўсимлик ҳомашёси каби янги тушунчалар киритилди.

Бундан ташқари, фармацевтика фаолиятининг турини –

дори воситаларини ва тиббиёт учун мўлжалланган буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялаш бўйича ваколатларни Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлигидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказиб берилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритилмоқда.

Шунингдек, қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари ўз қучини йўқотган деб топишмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар бир қатор халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларни қўриб чиқдилар. “Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасидаги Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома (Ашхобод, 2017 йил 6 март) ратификация қилиш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, ва Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга икки томонлама тўқимачилик Шартномасининг амал муддати тугаганини ҳисобга олиб, Битим қоидаларини тўқимачилик маҳсулотларининг икки томонлама савдосига кенгроқ қўламда қўллаш мақсадида Битимга ўзгариш киритиш тўғрисида Баённомени (Тошкент, 2011 йил 7 апрель) ратификация қилиш ҳақида”ги, ҳамда “Қайта тикланувчи энергия бўйича Халқаро Агентлик устави (Бонн, 2009 йил 26 январь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари шулар жумласидандир.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу ҳужжатларнинг ратификация қилиниши мамлакатимизнинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларини янги стратегик босқичга олиб чиқди, кенг қамровли ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини қўжайтиришга, янги бозорларни ўзлаштиришга, тўқимачилик маҳсулотлари савдосини халқаро қўламда янги босқичга олиб чиқариш, шунингдек, энергия тежовчи технологияларни ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Шундан сўнг сенаторлар Ҳоразм вилоятининг Хива шаҳри ва Хива туманининг чегараларини ўзгариштириш ҳамда Хива шаҳрини вилоят бўйсунувидига шахарлар туркумига киритиш тўғрисидаги, Шахрисабз шаҳрини вилоят бўйсунувидига шахарлар туркумига киритиш тўғрисидаги, шунингдек, Жиззах вилоятининг Зомин ва Зарбдор туманлари чегараларини ўзгариштириш тўғрисидаги масалаларни қўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, мамлакат ҳукумати томонидан киритилган ушбу тақлифларнинг маъқуллиниши Жиззах, Қашқадарё ва Ҳоразм вилоятларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳудудлар батариб жойлашишини ва уларни бошқариш самардорлигини такомиллаштиришга, маҳаллий аҳолининг яшаш шaroитларини яхшилашга қўмаклашди, туризм соҳасининг янада илдам ривожланишига туртки беради.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат минтақаларига хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб этиш, туризмни ривожлантириш ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитдилар ва муҳокама қилдилар. Бу соҳада катта ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Охириги 9 ой давомида олий даражадаги 12 та ташриф ва ҳукумат делегацияларининг 460 та сафари уюштирилди, улар доирасида қўллаб-инвестицион ва савдо битимлари имзоланди.

Шу билан бирга, сенаторлар ўз нутқларида Ташқи ишлар вазирлигининг ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги ваколатоналарининг фаолиятида жиддий қамчиликлар, ўз ечимини топишни қўтаётган муаммолар ва фойдаланилмаган имкониятлар борлигини қайд этдилар.

Ҳусусан, мамлакатимиз минтақаларига хорижий инвестициялар ва илгор технологияларни жалб қилиш, мамлакатимиз экспортчиларнинг маҳсулотларини янги бозорларга олиб чиқиш бўйича ишлар етарли даражада фаоллашмади. Қадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашда қамчиликлар мавжуд, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг хорижий етакчи олий ўқув юртилари билан ҳамкорлиги лозим даражада йўлга қўйилмаган.

Муҳокама чоғида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг фаолиятини янада такомиллаштиришга ва ҳисоботни эшитиш чоғида қайд этилган мавжуд қамчиликларни бартараф этиш юзасидан таъсирли чоралар қўришга қаратилган бир қатор тақлиф ва тавсияларни билдирдилар. Муҳокама аяқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунга, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги ва “Парламент назорати тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ сенаторлар давлат эътиёжлари учун кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер ҳўжаликларининг таъминоти, хизмат кўрсатуви ҳамда бошқа ташкилотлар олдидagi қардорлигини келтириб чиқаруви сабаблар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирини бошқаруви – кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирини З.Т.Мирзаевга парламент сўрови юбориш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитасининг раисини ва раиси ўринбосарини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва аъзоларини сайлаш, Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва муҳтор элчисини лавозимга тайинлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги Фавқулодда ва муҳтор элчисини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги масалаларни қўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди. Тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самардорлигини тубдан оширишга, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Қараратлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини босқичма-босқич ижро этишга қаратилган 21 масала, шу жумладан, 7 та қонун қўриб чиқилди. Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида қабул қилинган қарорлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари қаролатларини янада мустаҳкамлашнинг, аҳоли турмуш даражасини оширишнинг, мамлакатда барқарорлик ва фаровонлиқни мустаҳкамлашнинг муҳим омилли бўлиши таъкидланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси ўз ишини аяқлади.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати**

**Олий Мажлис
Қонунчилик палатасида**

**ПАРЛАМЕНТ
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ТИББИЁТ МАРКАЗЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАНҚИДИЙ
КЎРИБ ЧИҚДИ**

**Соғлиқни сақлаш – давлатимиз
раҳбари катта эътибор бераётганлиги
туфайли бугунги кунда узлуксиз
ривожланиб бораётган соҳадир.
Ишларнинг ҳақиқий аҳволини чуқур
билишга асосланган ташаббуслар
тиббиёт муассасалари фаолиятидаги
тизимли қамчиликларнинг сабаблари ва
асосларини изчил бартараф этишга
хизмат қилади. Парламент назорати
доирасида ушбу жараёнларда Олий
Мажлисининг Қонунчилик палатаси
бевоқифа иштирок этмоқда.**

Парламент қўйи палатасида аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш ва дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш, ушбу соҳадаги амалиётда қонун ҳужжатларининг самарали қўлланилишига қўмаклашиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш учун махсус ташкил этилган республика комиссияси иш олиб бормоқда.

Парламент назоратининг шаклларида бири сифатида депутатлар томонидан тиббиёт муассасалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш амалиётидан фаол фойдаланилмоқда.

Чунончи, 2017 йил 29 май қўйи республика тиббиёт марказлари раҳбарларининг ахборотларини эшитишга доир ана шундай олтинчи эшитув ташкил этилди. Бу сафар Ш.Алимов номидagi Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази раҳбарлари ўз фаолияти ҳақида ахборот тақдим этдилар.

Мажлисда шу нарса алоҳида таъкидланди, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида ушбу республика тиббиёт марказларининг мутахассислари томонидан инсоннинг энг асосий ҳуқуқларидан бири – малакали тиббий хизмат кўрсатилишига бўлган ҳуқуқини таъминлашга қаратилган кенг қўламда ишлар олиб боришмоқда. Масалан, Ш.Алимов номидagi Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан ҳар йили 5 минг нафардан зиёд беморга стационар ёрдам кўрсатишмоқда. Марказнинг консультатив поликлиникасида эса 2016 йилда 18 минг нафарга яқин беморга консультатив ва амбулатор ёрдам кўрсатилди.

Бундан минтақа даражасида ишларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда жойларга 86 марта чиқиш ташкил этилди, улар доирасида 2,4 минг нафардан зиёд беморга тиббий ёрдам кўрсатилди ва маслаҳат берилди. Марказ мутахассислари томонидан 53 та жарроҳлик амалиёти ўтказилди, шундан 48 таси юқори технологиялар асосида бажарилди. Касалликларга ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий усулларида фойдаланиш қамровини кенгайтириш мақсадида марказ мутахассислари томонидан малака ошириш бўйича тренинглар ва лекция машғулотлари ўтказилди, уларда ушбу соҳанинг 1,7 минг нафарга яқин мутахассиси иштирок этди.

Таъкидлаб ўтилганидек, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида ҳам замонавий тиббий технологиялардан фаол фойдаланилмоқда. Ушбу марказда ҳар йили 10 минг нафардан зиёд беморга стационар ёрдам кўрсатишмоқда. Марказнинг консультатив поликлиникасида 58 минг нафардан зиёд беморга консультатив ва амбулатор ёрдам кўрсатилди.

Жорий йилда жойларга 39 марта чиқиш ташкил этилиб, улар доирасида 1,7 минг нафардан зиёд беморга тиббий ёрдам кўрсатилди ва маслаҳатлар берилди. Марказ мутахассислари томонидан 76 та жарроҳлик амалиёти бажарилди, шунингдек, малака ошириш бўйича тренинглар ва лекция машғулотлари ҳам ўтказилиб, уларда мазкур соҳанинг 1,9 минг нафарга яқин шифокори ўз малакасини оширди.

Шу билан бирга, депутатлар юқорида к

ВИРТУАЛ ТЕРМИНАЛ ХИЗМАТИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Ҳозирги кунда юртимизда суғурта соҳасини ривожлантириш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

“Ўзагросуғурта” АЖ универсал суғурта жамиятларидан бири бўлиб, барча турдаги юридик ва жисмоний шахсларга суғурта хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Суғурта хизматларининг қулай ва тезкор тақдим этилишини таъминлаш мақсадида “Ўзагросуғурта” АЖ Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жами 14 филиалларига, 188 дан ортқ туман ва шаҳар бўлинмаларига, 570 та агентлик шохобчаларига эга бўлиб уларда 2000 дан ортқ суғурта агентлари фаолият юротида. Бу Республиканинг нафақат йирик шаҳарларида, балки энг чекка ҳудудларида яшовчи ва фаолият юритувчилар учун сифатли суғурта хизматларидан фойдаланиш учун катта қулайликдир.

Жамият доимий равишда мижозлар талабларини ўрганиб, таклиф этилаётган суғурта турларининг содда ва қулай бўлишига катта эътибор қаратади.

“Ўзагросуғурта” АЖ ўз мижозларига қулайлик яратиш мақсадида суғурта полисларининг харида учун виртуал терминал орқали тўловни амалга оширишни жорий этди. Тақдим этилаётган CLICK INSURANCE Indoor-тўлов хизмати Республиканинг исталган ҳудудидан қисқа муддатда суғурта полислари учун тўловларни нақд пул ва пластик картасиз амалга ошириш имкониятини беради.

Жорий этилаётган ушбу виртуал терминал хизмати республика-мизнинг энг чекка ва узоқ ҳудудларидаги мижозларга суғурта хизматларидан фойдаланиш ва исталган усулда тўловни амалга ошириш учун яратилган яна бир қулайликдир.

CLICK INSURANCE-тўлов тизими бир қатор афзалликларга эга, булар исталган ҳудуд, қисқа муддат, реал терминалсиз, электроэнергия-сиз ва Интернетга улаштириш талаб этмаган ҳолда мобил телефон орқали тўлов амалга оширилади. Суғурта муқофоти муваффақиятли амалга оширилгандан сўнг мижозга тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги хабар СМС қўрғинида келиб тушади.

Мижозларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида тўлов операцияларини турли – USSD-меню орқали, қисқа USSD-сўров ёрдамида (*880*суғуртачининг_коди*сумма#), мобил илова орқали ва шу билан бирга суғуртачи томонидан ҳисоб чиқариш услубларда бажариш имкониятлари яратилган. Тўловларни янада оператив тарзда амалга ошириш учун ҳар суғурта бўлимига QR-коди тақдим қилинган. Ушбу QR-кодни ўқиш имкониятига эга телефон аппарати орқали муносиб иловалардан бири ёки янгилаётган ва яқин вақт ичида тақдим қилинадиган CLICK мобил иловаси орқали ўқиши мумкин.

CLICK INSURANCE виртуал терминал хизматининг яна бир афзал-лик жиҳати шундаки, мижозлар учун 120 дан ортқ суғурта турлари учун пул ўтказмалари мутлақо бепул тарзда амалга оширилади.

– Мен бир неча йиллардан бери “Ўзагросуғурта” компаниясининг мижозиман, – дейди “Ўзагросуғурта” АЖ мижози Лаиза Мирзаахмедова. – Суғурта полисига тўловни амалга ошириш вақтида янги виртуал терминал тўлов тизими жорий этилганини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Сабаби бу жуда қулай ва осон, компания офисига келмасдан туриб ҳам суғурта полисига тўловни амалга оширс бўлади.

Мамлакатимизда янги суғурта турларининг татбиқ этилиши аҳоли-нинг суғуртага бўлган қизиқиши ва суғурта маданиятини юксалти-ришда муҳим омили бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

“Ўзагросуғурта” АЖнинг келгусидаги мақсад ва вазифалари аҳоли-нинг барча қатламига кўрсатилаётган суғурта хизматлари сифати ва қўламлини ошириш орқали мамлакатимиз иқтисодиётига самарали ҳисса қўшишдир.

Зиёда РАСУЛОВА

Юрт манфаати, Ватан тинчлиги, унинг равнақию тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, жамият ривожини йўлида хизмат қилиш ҳар биримизнинг, айниқса, ёш авлоднинг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим. Ўсиб келаётган авлодга яхши таълим-тарбия бериш, уларни ватанпарвар, она юртига, халқига муносиб хизмат қиладиган инсон қилиб вояга етказиш энг асосий масалалардан бири бўлмоғи лозим.

ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Ёшлар эртанги кунимиз. Давлатимизнинг келажаги, тараққиёти, юртимиздаги тинчлик-осойишталик бугун-ги авлоднинг олаётган таъ-лим-тарбиясига бевосита боғлиқ. Шу боис ҳам мамлакатимизда ёшлар тарбия-сига давлат сиёсатининг ус-тувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ака-демиясида “Халқ дарди билан яшайдиган, унинг ман-фаатлари йўлида хизмат қиладиган мутахассис кадрлар тайёрлаш – долзарб ма-взусида ўтган матбуот анжуманида ҳам ана шулар алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мазкур тадбир давлатимиз раҳбарининг “Ички ишлар органларининг фаолияти са-марадорлигини тубдан оши-риш, жамоат тартибини, фу-қаролар ҳуқуқлари, эр-қинликлари ва қонуний ман-фаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда улар-нинг масъулиятини кучайти-

риш чора-тадбирлари тўғри-сида”ги Фармони ижроси доирасида амалга оширила-ётган ишлар, таълим муас-сасаси фаолиятининг шаф-лофлигини таъминлаш ҳамда олиб борилаётган ислохот-ларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида ташкил этилди.

Бугунги кунда Академия-да “Тергов фаолияти”, “Тез-кор-қидирув фаолияти”, “Ҳуқуқбузарликлар профи-лактикаси фаолияти” ва “Эксперт-криминалистик фао-лият” йўналишлари бўйича олий маълумотга эга мута-хассислар, Сержантлар тар-кибини тайёрлаш олий курс-ларида ички ишлар орган-ларининг турли соҳавий хиз-матлари учун малакали сер-жантлар, Олий академик курсларда эса ички ишлар органлари учун раҳбар кадр-лар тайёрланмоқда.

Бу ерда тизимли равишда ўқув-методик ва ахборот таъминоти, моддий-техника базаси замонавий талаблар-га мос равишда янгиланиб

борилади. Ўқув жараёнига илғор халқаро тажрибалар-нинг жорий этилишида хо-рижий турдош таълим муас-сасалари билан яқин ҳам-корлик алоқалари яхши са-мара бермоқда.

Анжуманда Академияда тахсил олаётган тингловчи-лар билан олиб борилаётган тарбиявий, маънавий-маъри-фий тадбирлар, тингловчи-ларнинг жисмоний ва жан-говар тайёргарликлари юза-сидан ўтказилаётган ўқув машғулоти, ҳуқуқни муҳо-фаза қилувчи органлар фао-лиятини такомиллаштиришга бағишланган халқаро семи-нар-тренинглар тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

Тадбир давомида журналист-ларнинг Академия тинглов-чилари билан учрашуви ҳам ташкил этилди. Улар таълим муассасаси тингловчиларига яратилган маънавий шароит-лар, уларнинг кундалик фао-лияти, ютуқ ва муаммолари билан бевосита танишиш им-конига эга бўлдилар.

Абдували СОДИКОВ



Ватан посбонларининг муносиб издошлари

ТЕЖАМКОРЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг қўламли имкониятлар ва имтиёзлар яратилиши натижасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси йилдан йилга ривожланмоқда.

Бугунги кунда иқтисодий инфратузилма ривожланишини электр энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўз навбатида ишлаб чиқариш-да энергия тежамкор ускуна ва қурилмалардан фойдаланиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нар-хини пасайишига таъсир кўрсатиш билан бирга-ликда мамлакат табиий бўлигини самарасиз ва ноқиллона фойдаланишдан ҳам асрайди.

Шу ўринда бугунги кунда бутун дунёда энг тежамкор ҳамда экологик жиҳатдан хавфсиз ва тоза бўлган диодли лампалар республика-миз-да ишлаб чиқарилиши истикболимизни яна бир ютуқларидан десак адашмаган бўлаемиз.

Диодли лампалар ўзидан аввалги қатлам лам-паларга нисбатан бир қанча афзалликларга эга, яъни чўлғамли лампаларга нисбатан 10 карра,

энергия тежамкор газли лампаларга нисбатан 3 карра электр энергиясини кам истеъмол қи-лади, ишлаш соати 3-5 карра юқори, кучланиш ва иқлим ўзгаришига кам таъсирлидир.

Электр энергиясини тежаш ҳамда ундан оқиллона ва самарали фойдаланиш мақсадида барча соҳадаги ёритиш қурилмаларида диодли лампалар ўрнатилиши бўйича Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қатор қонунлар, қарорлар ва дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича босқичма-босқич ишлар олиб бори-лмоқда.

Мирзохид ИСХАКОВ,
“Ўздавэнергоназорат” инспекцияси
Тошкент шаҳар бўлими инспектори

Миллий матбуот марказида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан пул муомаласини такомиллаштириш ва пластик карточкадан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Юртимизда банк тизимини яна-да ислох қилиш ва барқарорлиги-ни ошириш, аҳолининг унга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда кўрсатилаётган банк хизматларининг тури ва қўла-мини кенгайтириш иқтисодий ис-лохотларни чуқурлаштиришнинг ус-тувор вазифаларидан бири ҳисоб-лангани.

Ҳозирги кунда банклар томони-дан пластик карточкалар бўйича таклиф этилаётган хизмат турлари ҳам аҳоли учун қулай бўлган воси-тага айланиб улгурди. Бу замона-вий электрон тўлов воситаси орқа-ли қўллаб имкониятларга эга бўлмоқдамиз. Аҳолига пластик кар-точкалар орқали хизмат кўрсатиш бўйича “Ўзмиллийбанк” томонидан ҳам қатор ишлар олиб борилаётир.

Жорий йилнинг 1 майига қадар банк томонидан 2 миллион 950 мингдан зиёд пластик карточкалар

муомалага чиқарилган. 2017 йил-да 600 мингта пластик карточка со-тиб олиниши режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар 160 мингта-си харид қилинди.

Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида ҳўжалик субъектларини тўлов терминаллари билан таъмин-лаш бўйича ҳам самарали ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг

НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ- КИТОБЛАР ТИЗИМИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 2 февралдаги “Республикада банк пластик карточкалари асоси-да нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизи-мини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори пластик карточкадан фой-даланиш тизимини такомиллашти-ришда муҳим омили бўлмоқда.

1 май ҳолатига кўра жами 2116 та тўлов терминаллари ўрнатиб бе-рилди ва ўрнатилган терминаллар сони 22 мингдан ошди.

Шунингдек, тўлов терминаллари-ни харид қилиш бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан 400, Россиянинг “ААТМ Системе” кор-хонаси билан 4000 донга ҳамда Венгриянинг “Transactions Systems

Kft” компанияси билан халқаро пластик карточкаларга хизмат кўрсатувчи 300 донга тўлов тер-миналларини сотиб олиш бўйича шартнома имзоланган.

Шу йилнинг март ойидан бош-лаб “Ўзмиллийбанк” томонидан VISA Gold имтиёзли хорижий тўлов карталари жорий қилина бошлади. Ушбу карталар орқали мижозлар хорижий савдо дўконларида, меҳ-монхоналарида ва кўнгилочар жой-ларда махсус чегирмаларга эга бўладилар.

– Апрель ойидан бошлаб эса VISA тўлов тизими билан ҳамкор-ликда халқаро карточкалар учун ин-тернет-эквайринг хизматлари йўлга қўйилди, – дейди Пластик карточ-калар бошқармаси бошлиғи Бунёд Ёсанбоев. – Эндиликда ушбу хиз-матдан фойдаланадиган тадбиркор-лик субъектлари Интернет орқали хорижа ўз маҳсулотларини сотиш-лари мумкин бўлади. Бу эса, ўз на-вбатида, миллий маҳсулотларимиз-ни чет элларда савдосини ошиши ҳамда тадбиркорларимизнинг ҳисоб рақамларидаги валюта ҳажмини кўпайишига ҳисса қўшади.

Абдуалим САЛИМОВ

ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Ҳар бир жамиятда кишиларнинг дарду ташвишини, муаммоларини эшитиб уни адолатли ҳал этиш давлат олиб бораётган сиёсатнинг нақадар тўғри эканидан далолатдир.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-нинг 35-моддасида ҳам “Ҳар бир шахснинг бевосита ўзи ёки бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органла-рига, муассасаларга ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи” мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу қаторда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Президентимиз томонидан 2017 йилнинг “Халқ билан муло-қот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши давлат ташкилотларининг жамият ва фуқаролар олдидagi масъуля-тини кучайтирди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаш-тиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этишда муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу тизимнинг ишлаш жараёнида юзга келаётган муам-моларни ҳал этиш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам ўзларининг ҳужжатларини қабул қилимоқда. Мисол тариқасида, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 2017 йил 22 апрелдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожа-атларини ўз вақтида ва қонуний ҳал қилинишини таъмин-лашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Вир-туал ва Халқ қабулхоналари механизми йўлга қўйилгани юрдошларимиз томонидан мамнуният билан қабул қили-ниб, давлат ва фуқаро мурожаатларида янги босқични бош-лаб берди.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан Суд департаментининг Тошкент ша-ҳар ҳудудий бошқармасига 2017 йил 2 январдан 31 марта-га 1225 та мурожаат келиб тушган, шундан 1238 таси маз-мунан қўриб чиқилиб, 243 таси қаноатлантирилган, 4 таси рад этилган, 991 таси ҳуқуқий тушунтиришлар берилган, 17 таси тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилган.

Келиб тушган мурожаатларнинг хусусияти бўйича 688 та алимент, 293 та қарз ва етказилган зарарини ундириш, 45 та уйга киритиш ва чиқариш, 64 та ҳўжалик қарорларини ижро-си юзасидан, 3 та суд ижросининг ҳатти-ҳаракати юзаси-дан, 7 та меҳнат низолари, 155 таси бошқа масалаларни ташкил этади.

Келиб тушган мурожаатларнинг қўлчилигини алимент ун-дирувлари билан боғлиқ масала ташкил этади. Шундан ке-либ чиқиб, мурожаатларнинг кўп келиб тушуши таҳлилга кўра амалдаги қонунчиликнинг айрим меъёrlарининг ўзгар-тирилишини даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 40-моддаси 1-бандига асосан тарафлар келиш-ган ҳолда ёки ундирувчининг хоҳиши билан алимент унди-риш ҳақидаги ижро ҳужжати унинг аризасига биноан унди-рувчига қайтарилади. Айрим ҳолларда ундирувчи ижро ҳўж-жати қайта ижрога тақдим қилиш пайтида муайян ўтган давр учун алиментни талаб қилади. Бунда, қарздорлар ижро ҳўжжати ундирувчида бўлган вақтида фарзандларининг таъ-миноти учун моддий ёрдам бериб келганлигини, аймо унди-рувчида тилхат олмаб келганлигини вақт келиб келмоқда. Ундирувчи қарздор моддий ёрдам бермаган тақдирда, ижро ҳўжжатини ўша вақтдан бошлаб ижрога тақдим қилиши мум-кин, бироқ ундирувчилар ижро ҳўжжатини муайян вақт ўтган-дан кейин ижрога тақдим қилишлари натижасида сунъий қарздорлик юзга келмоқда. Шу сабабли Қонуннинг 40-мод-даси 1-бандига асосан қайтарилган ижро ҳўжжати қайта ижрога топширилган кундан бошлаб алимент пулларини маж-бурй тартибда ундириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳўжжатлари ва бошқа орган ҳўжжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 27, 40-моддаларига эса қўшимчалар киритиш лозимдир.

Жумладан, Қонуннинг 27-моддасига қўйилганча – Қонун-нинг 40-моддаси 1-бандига асосан ундирувчига қайтарил-ган алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳўжжатлари қайта иж-рога топширилган кундан бошлаб уч ойдан ортқ бўлмаган муд-дат учун алимент ундирилиши назарда тутилган;

Шу билан бирга Қонуннинг 40-моддасига эса алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳўжжати мазкур модданинг 1-банди-га асосан қайтарилганда, суд ижросини ўз қарорига ижро ҳўжжати ундирувчи томонидан қайта топширилган кундан бошлаб уч ойдан ортқ бўлмаган муддат учун алимент пул-лари ундирилиши белгиланса юзга келади қарздорлик-ларнинг олди олинган бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси 139-моддаси 3-хатбосида эса – Алимент тўлаш тўғрисидаги нотариял тартибда тасдиқланган келишув ёки ижро варақаси асосида ўтган даврдаги алимент қарзи ижро варақаси ёки алимент тўлаш тўғрисидаги келишув алимент ундириш учун тақдим қилинганга қадар ўтган уч ойдан ортқ бўлмаган муддат учун ундирилиши белгиланиши лозим.

Ушбу муддат белгиланганда алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳўжжатлари ижроси бўйича аниқлик берилади. Инсон ҳўқуқ ва эркинликлари таъминланиши. Алимент қарздорлиги-ни сунъий вужудга келиши натижасида ундирувчи ва қарздор-ларнинг норозилиги юзга келишига чек қўйилади. Бунда узрли сабаб билан ижро ҳўжжатини ижрога топшира олмаган ундирувчиларнинг қонунй ҳўқуқлари сақлаб қолинади.

Ақсарият қарздорлар вақтинча ишсизлигини вақт қилиб, алимент пулларини тўламастан келадилар. Натижада қисқа муддат ичида қарздорлик юзга келиб, қарздорларга қисба-тан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 122-123-моддалари билан жиноий иш қўзғатилиши натижасида али-мент тўловларининг узоқ муддат тўланмай қолинишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳўжжатлари ва бошқа орган ҳўжжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 64-моддасига қўйилганча қўшимча қилиниши мақсадга му-вофиқдир.

“Алимент ва даврий тўловларни тўловчи қарздорларни мажбурй меҳнатга ёллаш”.

Алимент ва даврий тўловларни тўловчи қарздорлар ба-шарти меҳнат билан банд бўлмаган тақдирда, уларни суд қарори асосида мажбурй меҳнатга жалб қилинади, али-мент ундириш ҳақидаги ижро ҳўжжати, суднинг қарори те-гишли ташкилотга келиб тушгандан кейин 5 кўнлик муддат ичида мазкур қонуннинг 64-моддаси тартибда қарздорнинг иш ҳақига қаратилади.

Бунда, ушбу янги тартибни йўлга қўйиш учун, идоралараро ҳамкорлигини таъминлаш ва процессуал ҳаракатларни тар-тибга солиш ҳамда мажбурй меҳнатга жалб қилинган қарз-дорнинг иш ҳақидан қўшимча тўловлар ушлаб қолинишига йўл қўйилмаслигини таъминлаш учун тегишли қонун ҳўжжат-ларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга муво-фиқдир.

Бу билан ижро ундируви самарадорлигининг ошишига эришилади. Алимент ундируви билан боғлиқ бўлган ижро ҳўжжатларида қарздорлигининг вужудга келишига йўл қўйил-майди ва натижада жиноятчиликнинг олди олинади. Вояга етмаган ва моддий ёрдамга муҳтож шахсларнинг ҳўқуқлари таъминланади. Бу билан адолат устуворлиги таъминланади.

Юқоридagi таклифлар инобатга олинса, инсон ҳўқуқ ва эркинликлари, айниқса вояга етмаган шахсларнинг манфа-атлари таъминланишига эришилади. Аслида давлатимиз-нинг асосий мақсади ҳам ана шу эмасми?

Садриддин ХИДИРОВ,
Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий
бошқармаси бўлим бошлиғи



ҚАШҚАДАРЁДА КЎРИШГҮНЧА ХАЙР, “БАРКАМОЛ АВЛОД”!



(Давоми.
Боши 1-бетда)

Мусобақалар муносабати билан Жиззахда қурилган янги спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари, тубдан реконструкция қилинган спорт заллари, ўқув биноларини кўрган киши бунёдкор халқимизга тасаннолар айтади.

“Барқамол авлод – 2017” спорт ўйинлари юздан ортиқ оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан мунтазам ёритиб борилди. Интернет тармоғида очилган www.barqamol-avlod.uz сайтида кизгин беллашувлар ҳақида маълумотлар, фотоларлар, ўзбек, рус, инглиз тилларида бериб борилди. Мусобақа кунлари хорижий мамлакатларда яшовчи минглаб кишилар шу тармоққа мурожаат қилди.

... 27 май. Соат 19.00 “Сўғдиёна” универсал спорт мажмуаси стадиони байрамона безатилган. Чорлов мусикаси янграйди. Ёш спортчи ва санъат-

корлар ижросидаги вокал-хореографик композиция билан “Барқамол авлод – 2017” спорт мусобақаларининг тантанали ёпилиш маросими бошланади. Минглаб томошабин олқишлари остида майдонга мусобақа иштирокчилари – Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари кириб келади.

Бир неча кун мобайнида қизгин давом этган мусобақалар ғолибларини тақдирлаш маросими бошланади.

Мусобақада энг кўп медаль жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси бош мукофот – Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Барқамол авлод – 2017” спорт ўйинлари катнашчиларига табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси – “Damas” автомобили билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган Андижон вилояти ва учинчи поғонадан жой олган Самарканд вилояти жамоаларига Президент

совғаси – “Damas” автомобиллари топширилди.

Мурасиш курашларда алоҳида маҳорат кўрсатган, тенгқурлари орасида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ ўқувчи-спортчилар махсус совринларга сазовор бўлди.

– Спорт ва дўстлик байрами – “Барқамол авлод – 2017” беллашувлари рекордлар ва унутилмас воқеаларга бой бўлди, – дейди оғир атлетика бўйича олтин медаль соҳиби қорақалпоғистонлик Файрат Айтмуротов. – Ушбу мусобақалар мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан спорт изчил ривожланиб бораётганини яна бир бор кўрсатди.

Спортнинг 17 тури – баскетбол, волейбол, футбол, кўл тўпи, шахмат, оғир атлетика, бокс, дзюдо, тазквондо, ВТФ, эркин кураш, юнон-рум кураши, сузиш, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, бадминтон ва бадий гимнастика бўйича беллашувларда лицей ва коллежларнинг 898 ўқувчиси иштирок этди. Спортчилар 193 ол-

тин, 193 кумуш ва 214 бронза медали учун баҳс олиб борди.

Мусобақаларнинг ёпилиш маросимида “Барқамол авлод – 2017” спорт ўйинларининг байроғи туширилди. Уни Жиззахлик спортчилар академик лицей ва касб-хунара коллежи ўқувчиларининг навбатдаги финал мусобақасига мезбонлик қиладиган Қашқадарё вилояти вакилларига топширди.

Уч кун давомида порлаб турган “Барқамол авлод – 2017” машъаласи аста сўндирилди.

“Барқамол авлод – 2017” ўйинларининг ёпилиш маросими спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ва санъаткорларнинг катта концерти билан якунланди.

“Барқамол авлод – 2017” спорт мусобақаларининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов иштирок этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

КУРАШ ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИ КОНГРЕССИ

Тошкентда Кураш халқаро ассоциациясининг (ИКА) конгресси бўлиб ўтди.

Унда Кураш халқаро ассоциацияси конгресси ва ижроия кўмитаси аъзолари, кураш бўйича минтақавий конфедерациялар раҳбарлари, спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Кураш мустақиллик йилларида янги босқичга кўтарилди. Биринчи Президентимизнинг 1999 йил 1 февралдаги “Халқаро “Кураш” ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони миллий спортимиз ривожига муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун 130 га яқин мамлакатда кураш федерациялари фаолият юритмоқда. Кураш халқаро ассоциацияси ҳамда унга аъзо Осиё-Океания, Европа, Панамерика ва Африка кураш конфедерациялари томонидан мазкур спорт тури бўйича жаҳон ва қўтқа чемпионатлари, халқаро турнирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Кураш халқаро ассоциацияси президенти Хайдар Фармон ва бошқалар мардлик, олижаноблик, ҳалоллик ва бағрикенглик хислатларини ўзида мужассам этган кураш дунёда жадал оммалашаётган спорт турларидан эканини таъкидлади.

Конгрессда миллий спортимизни дунёда янада ривожлантириш, курашни ёзги Олимпия ўйинлари дастурига киритиш, жорий йил Истанбул (Туркия) шаҳрида катталар ўртасида бўлиб ўтadigan жаҳон чемпионати ва Ашхободда (Туркменистон) ёпик иншоотларда ва жаң санъатлари бўйича бешинчи Осиё ўйинларига тайёргарлик жараёни ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Конгрессда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Комил Юсупов Кураш халқаро ассоциациясининг янги таъсис этилган асосчи раиси, Халқаро пресс-клуб раиси Шерзод Қудратхўжаев Кураш халқаро ассоциацияси вице-президенти этиб сайланди.

ЎЗА

Кураш

ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ГИЛАМГА ЧИҚДИ

Термиз шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган XIII халқаро турнир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси, мамлакатимиз кураш федерацияси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва Кураш халқаро ассоциацияси томонидан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган нуфузли турнирда дунёнинг элликка яқин давлатидан энг кучли полвонлар ғолиблик учун беллашди.

Турнирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси раиси Р.Қўрбонов, Сурхондарё вилояти ҳокими Э.Турдимов, Кураш халқаро ассоциацияси президенти Х.Фармон ва бошқалар уч ярим минг йиллик тарихга эга миллий қадриятимиз – кураш мустақиллик йилларида том маънода дунё спортига айланганини алоҳида қайд этди. Ҳозир кураш бир юз ўттига яқин давлатда кенг оммалашмоқда. Кураш халқаро ассоциацияси, Осиё-Океания, Европа, Панамерика ва Африка кураш конфедерациялари томонидан курашнинг жаҳондаги нуфузини янада ошириш, уни ёзги Олимпия ўйинлари дастурига киритиш бўйича самарали ишлар олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган аънаваний халқаро турнир дунё спорт жамоатчилигини кураш билан янада кенгрок таништириш, мазкур спорт турига бўлган қизиқиш ва иштилоини кўчатириш, дунё полвонларини ўзбек кураш мактаби аънавлари билан яқиндан таништиришга хизмат қилмоқда.

Халқаро турнирда полвонлар уч вазн тоифасида гиламга тушди. Вазни 73 килограмм бўлган полвонлар беллашувида барча совринли ўринлар мамлакатимиз спортчиларига nasib этди. Ҳикматилла Тўраев биринчи, Давлат Абраев иккинчи, Суҳроб Худойбердиев ва Шербек Абдуқўлов учинчи ўринни эгаллади.

Вазни 90 килограмм бўлган курашчилар ўртасида ҳам полвонларимизга тенг келаётгани топилмади. Яхё Имомов шоҳсулҳанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Шухрат Арслонов кумуш, Дил-

шод Чориев ва Камолддин Расулов бронза медал билан тақдирланди.

– Кураш фалсафаси, моҳияти ва унинг жозибаси бутун дунёни лол қолдирмоқда, – дейди Хан Су Ким (Жанубий Корея). – Халқингизнинг миллий спорт тури Жанубий Корея ёшлари орасида ҳам тобора оммалашиб бормоқда. Мени ҳам курашнинг мардлик, ҳалоллик, камтарлик каби эзгу фазилатлар билан йўғрилгани ўзига мафтун этган. Кураш билан анча йилдан бери шугулланаман. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган аънаваний халқаро турнирда катнашганимдан хурсандман. Таъкидлаш жоиз, турнирни ташкил этишга ҳар томонлама пухта тайёргарлик қўрилган.

Халқаро турнирнинг мутлақ вазн тоифаси финалида сурхондарёлик Абдулла Холиеров россиялик Артём Осипенкога мағлубиятга учратиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини – 25 000 АҚШ долларини қўлга киритди. Артём Осипенко иккинчи, Бекмурод Олтибоев ва Бахтиёр Менглиқўлов учинчи ўринни эгаллади.

– Нуфузли турнирда ғолиб бўлиб, Президент совринини қўлга киритганимдан хурсандман, – дейди ЎЗА мухбири Абдулла Холиеров. – Мусобақада Россия, Грузия ва Туркменистондан келган кучли полвонлар билан беллашдим. Улар ҳам ўзбек курашининг сир-асрорини пухта эгаллагани учун ғалаба қозонишни осон бўлмади. Президентимиз совринини қўлга киритганим келгусида кураш бўйича халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришишимизда янги куч бағишлайди.

Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари Термиз шаҳридаги тарихий ёдгорликлар, мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, барпо этилган замонавий иншоотлар билан танишди.

Байрам АЙТМУРОВОВ

Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2017 йил 3 июлда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.

Давлат активларини сотиб олиш шартлари қуйидагилар:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- ушбу давлат активлари учун энг юқори инвестиция киритиш мажбуриятларини олиш;
- янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
- сотиб олиш тўлови ва инвестиция мажбуриятларини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 фоиздан кам бўлмаган закалат суммаси;
- таклифлар (бизнес-режалар) ва керакли ҳужжатлар солинган ҳамда елимлаб ёпиштирилган, имзо билан тасдиқланиб, муҳрланган конвертлар, икки нускада.

Савдо ғолибига бошқарманинг буйруғи қабул қилинган санадан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартликлантилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдоси бошланишига 1 иш кунини аввал соат 16.00да тўхтатилади.

Музокаралар 2017 йил 3 июль кунини соат

16.00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуш шох кўчаси, 16"А"-уй манзилида ўтказилади. Ушбу кун савдолар бўлмаган тақдирда, 2017 йил 18 июль, 2, 17 август, 4, 19 сентябрь, 4, 19 октябрь, 3, 20 ноябрь ва 5, 20 декабрь кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуш шох кўчаси, 16"А"-уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-22-83

Оммавий оферта савдоларига такроран чиқарилаётган давлат активлари рўйхати

№	Объект номи	Жойлашган манзили	Балансда сақловчи ташкилот	ПҚ/ВМҚ	Бошланғич баҳоси (сўм)	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Умумий майдони 422,0 кв.метрга тенг бўлган “Марҳамат” қаҳвахонаси бино ва иншоотлари	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уй	“Оникс” АЖ	2.03.2015 №39	353 440 291	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;	
2	Кўп қаватли турар жой биносининг 1-қаватидаги умумий майдони 53,0 кв.метрга тенг бўлган қисми	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 3-уйда жойлашган кўп қаватли турар жой биноси	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	4.04.2014 №83	202 045 811	- янги иш ўринларини ташкил этиш;	- хараид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш

ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Нуронийларнинг жамият, оилалар ва маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлашдаги ўрни” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси томонидан ташкил этилган тадбирда “Нуроний” жамғармаси бошқаруви раҳбарияти, масъул ходимлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан “Нуроний” жамғармаси республика бошқаруви раиси Шухрат Жалилов ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар кексаларни қўллаб-қувватлаш, қариялар ва фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаоллигини ошириш, тинчлик ва осойишталикни таъминлашдаги ролини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлаб ўтишди.

Ватанимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигини ошириш, оилалар мустаҳкамлигида албатта, нуронийларимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Кексалар хонадонларимиз кўрки ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадрият ва аънавлар, бебаҳо меросимизнинг дониманд эгаларидир. Халқимизга хос юксак фазилатлардан бири кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишдир. Мамлакатимизда ёши улуг инсонларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, турмуш шароитларини янада яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада “Нуроний” жамғармасининг фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёшларни Ватанга муҳаббат, кексаларни эъзозлаш руҳида тарбиялашга қаратилган ижтимоий фаолиятга жалб этиш, кексалар турмуш сифатини янада яхшилаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш борасида жойларда тизимли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди “Нуроний” жамғармаси республика бошқаруви бўлим бошлиғи Абдусаттор Бўстонов. – Айни пайтда “Нуроний” жамғармаси давлат дастурлари ижросини таъминлаш, катта авлод вакилларини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни ҳуқуқий, тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби қўллаб-йўналишларда ижтимоий шериклик асосида давлат бошқаруви органларига яқиндан кўмаклашмоқда.

Тадбирда жамғарма томонидан ҳудудларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Жумладан, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, уюлмаган аҳоли ва ёшларни гаразли нијати кимсалар қўлига тушиб қолишдан асраш, ноқонуний миграциянинг олдини олиш, эрта турмуш ва ажримларга йўл қўймайлик, воқога етмаган ўғил-қизларни дарс машғулоти пайти ўз ўрниларида бўлишини таъминлаш, жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шунингдек, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, томирқалардан унумли фойдаланишни тарғиб қилиш каби масалаларда нуронийлар томонидан жамоатчилик назорати йўналишида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, туман ва шаҳарлардаги фуқаролар йиғинлари, ўқув муассасалари сони ва салмоғидан келиб чиққан ҳолда, ўз ҳудудларида обрў-эътибор, малака ва тажрибага эга фаол нуронийлар махсус ишчи гуруҳларига жалб этилган.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида “Нуроний” жамғармаси ташаббуси билан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган “Нуронийлар эъзозимизда” патронаж ёшлар ҳаракати фаолияти ҳақида ҳам маълумот берилди.

Анжуманда “Нуроний” жамғармаси муассислигида нашр этилаётган “Nuroni” газетаси ва “Кексалар гаши” журнали тақдироти ўтказилди. Оқиш мулоқот тарзида ўтган матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Зарина РУСТАМОВА

БАРМОҚЛАРДА ОЛАМ ТАФТИ

Ўзбекистон тарихи давлат музейида ташкил этилган кўргазма шундай номланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши Ўзбекистон тарихи давлат музейи ва Ўзбекистон кўзи охишлар жамияти билан ҳамкорликда ўтказган тадбирга пойтахтимиздаги махсус таълим муассасаларида тахсил олаётган заиф кўрувчи ва кўзи охиш ўқувчилар, талабалар таклиф этилди.

Музей директори Ж.Исmoilова ва бошқалар мамлакатимизда инсон шаъни ва кадр-қимматини улуғлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг таълим олиши, иждодий фаоллигини оширишга кўмак бериш борасида амалий ишлар қилинаётгани Ўзбекистон инсонпарварлик сисъатининг ўзига хос ҳаётий ифодаси эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши сайловолди дастурига мувофиқ ташкил этилган кўргазма шу қатлам фуқаролари ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган. Улар намойишга қўйилган экспонатларни қўллари билан ҳис этиб, фикр қилиш орқали юртимиз ўнмишони янада қуқуқроқ ўрганиш имконига эга бўлди.

Иброҳим Имомов Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг биринчи курс талабаси.

– Немис тили йўналиши бўйича тахсил олам, шу соҳанинг малакали мутахассиси бўлишни мақсад қилганман, – дейди у. – Кўргазмага қўйилган тарихий ашёлар, амалий санъат намуналари ва геологик топиламаларни биринчи бор ушлаб қўрдим. Бу менга қандайдир ўтмиш ҳаётини англашга, қалб туйғуларим билан ҳис этишга имкон берди. Кўтаринки кайфият бағишлади. Кўп ўқиб-излашга, улкан мақсадларга ундади.

Тадбир доирасида иштирокчилар учун маҳорат дарслари ташкил этилди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

ОНАМ АЙТГАН АЛЛАЛАР

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз!” шiori остида миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, халқ оғзаки ижодининг дурдонаси бўлган аллани аҳоли, айниқса ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида икки босқичда ўтказилган “Онам айтган аллалар” аънавий республика фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Инсон хотирасида сақланиб қолган энг муноси, энг ёқимли оҳанг бу ўз онасида эшитган алласи эканлиги айни ҳақиқат. Мурғак онгида ўрнашиб қолган ўша сеҳрли оҳанг ҳар бир шахсни қомилликка, чин маънода халқларвар, она юртига садоқатли бўлишга ундайди.

— Халқ оғзаки ижоди бадиий тафаккур тараққиётининг барча босқичларида яратилган энг илғор ва ҳаётбахш аъналарни ўзида мўжассамлаштирган бекиёс ҳазинадир, — дейди меҳнат фахрийси Мухаммад-жон Қозоқбоев. — Ғудакнинг илк тинглаган меҳр-муҳаббатга бой кўшиги — она алласи халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси ҳисобланади. Негаки, алла оҳангидан боланинг кўнгли дунёсига миллий руҳ қиради, она тилидаги меҳр-муҳаббат, шукроналик, орзу-умидлар унинг мурғак жисму жонига илдиз отади.

Аънавий Республика фестивалининг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ҳолиб бўлган алла ижрочилари ўзаро ижодий беллашдилар.

Мазкур фестивалнинг ҳудудий босқичларида 25 ёшдан 40 ёшгача бўлган жами 400 нафарга яқин ижодкор қатнашди. Шулардан 42 нафари республика босқичида иштирок этишга мўяссар бўлди.

Иштирокчилар урф-одатлар, аъналар ва қадриятларни ўзида акс эттирган ҳолда театрлаштирилган сахна кўринишлари ва муаллифлар томонидан яратилган “Алла” кўшиқларини жонли тарзда миллий қолғу асбоблари жўрлигида ижро этдилар.

Фестиваль иштирокчиларининг чиқишлари Ўзбекистон халқ артистлари Азиза Бегматова, Замира Суенова, Гавҳар Зокирова,



филология фанлари номзоди, доцент Ойгул Аҳмедова ва Республика сатира театри актрисаси Раъно Мирзаева каби етук маданият ва санъат намояндаларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб берилди.

“Онам айтган аллалар” фестивали иштирокчилари “Энг ёш ижрочи” (Фаргона вилояти жамоасининг энг ёш қатнашчилари), “Фахрий ижрочи” (Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани), “Урф-одат ва аъналар тарғиботчиси” (Сурхондарё вилояти), “Оригинал ижроси учун” (Самарқанд ви-

лояти), “Саҳна маданияти учун” (Навоий вилояти), “Ижро маҳорати учун” (Бухоро вилояти, Жондор тумани), “Муҳлислар олқиши учун” (Хоразм вилояти) каби номинациялар бўйича тақдирландилар. Андижон, Наманган, Сирдарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри алла ижрочилари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг дипломи ва фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Саидабор УМАРОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси

Спорт янгиликлари

МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

Тошкент шаҳар “Ватанпарвар” ташкилоти томонидан тасарруфдаги Ўқув спорт техника клубларининг спортчилари ўртасида спортнинг ёзги биатлон тури бўйича шаҳар очик биринчилигининг иккинчи босқичи ташкил этилди.

Қизғин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган мусобақа Чирчи шаҳрининг Жалолиддин Мангуберди номи марказий спорт мажмуасида ўтказилди. Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи Тошкент шаҳар “Ватанпарвар” ташкилоти ташаббуси ва ташкилотчилигида ўтказилган мазкур мусобақани ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад — ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни спортнинг техник ва амалий турларига кенг

микёсда жалб этишга қаратилди.

Мусобақа қатнашчиларининг умумий натижаси маррага биринчи бўлиб етиб келганига қараб, шунингдек, ўйин давомида кўлга киритган балларига кўра белгиланди ва умумий натижалар ҳисобланиб, ғолиб аниқланди. Ёзги биатлоннинг ўзига хос хусусияти шундаки ёшларимиз мазкур спорт тури билан шуғулланишлари ва юқори натижаларни кўлга киритишлари учун аввалдан бор зийраклик, чаққонлик ҳамда

жисмонан бақувват бўлишга катта аҳамият беришлари лозим. Келажакимиз эгалари моҳир спортчи бўлиш учун мунтазам равишда спорт машқларини такрорлаб туришлари муҳим.

Натижаларга кўра, жамоалар ўртасида биринчилик “Ватанпарвар” ташкилоти “Миробод Ўқув спорт техника клуби” унитар корхонасига насиб этди. Шунингдек, Ўқув спорт техника клубларидан яққа тартибда иштирок этган қизлар ва йигитлар ўртасида ҳам ғолиблар аниқланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларимиз ўқиб изланишлари, юрт шарафини ҳам маънан, ҳам жисмонан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришлари учун таълим йўналишининг ҳар бир жабҳасида жаҳоннинг энг илғор педагогикаси асосида сабоқ берилмоқда.

Келажакимиз эгалари таълимнинг ҳар бир йўналишида билим олишлари учун барча эшиклар очик, имкониятлар талайгина ҳаттоки, спорт турларининг барча жабҳаларида шуғулланиши ва малакасини оширишлари учун етарлича мураббийлар, спорт мажмуалари ёшларимиз иштироғига топширилган. “Ватанпарвар” ташкилоти томонидан ташкил этилган спортнинг техник турлари — авиамодель, ўқ отиш, ҳаво жанги, картинг, мотокросс, автокросс шунингдек, триатлон, дуатлон, биатлонда шуғулланаётган ёшлар ва ўсмирлар учун етарлича шарт-шароитлар яратиб берилган.

Тошкент шаҳар “Ватанпарвар” ташкилоти тасарруфдаги Ўқув спорт техника клублари ўртасида спортнинг ракетамодел тури бўйича шаҳар чемпионатининг биринчи босқичи Сергели туманида ўтказилди.

Мусобақанинг барча қатнашчилари қўл меҳнатлари ёрдамида ясаган ҳар хил кўринишдаги ракетамоделлар билан турли синфларда, яъни йўналишларда 200–250 метр баландликка учириб бўйча беллашди.

40 дан ортиқ мусобақа қатнашчилари ўз жамоалари

ва спорт техника клублари шаънини ҳимоя қилиш мақсадида ғолиблик учун астойдил ҳаракат қилишди. Ёшларимиз олдиндан олий ўрин учун тинимсиз меҳнат қилишгани ва изланишгани чемпионат давомидаги сазай-ҳаракатларидан яқол сезилиб турди.

Қизғин тарзда кенган мусобақа натижаларига кўра, жамоа ўртасида 1-ўрин “Ватанпарвар” ташкилоти “Сергели Ўқув спорт техника клуби” унитар корхонаси жамоасига насиб этди. Шунингдек, S-6-A, S-4-A, S-3-A ва S-7 синфлари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ғолибларга ташкилотнинг эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

Юртимизда бундай спорт мусобақаларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад келажакда порлоқ Ўзбекистонимизда ўсиб келаётган ёш авлодининг ҳар томонлама соғлом бўлишларини таъминлашдан иборатдир.

Шаҳноза ТОЖИДДИНОВА,
Тошкент шаҳар “Ватанпарвар” ташкилотининг етакчи мутахассиси

Реклама ва эълонлар

“ТОШКЕНТ ОКШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзил: Матбуотчилик кўчаси, 32-й, 2-қavat, 225-хона.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фирмини ўрганиш маркази жамоаси, маъмурияти ва қасаба уюшмаси Марказ котибияти бошлиғи Улбурсин Абдумаликовга опаси
Фарида МАЛИКОВАННИНГ
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

“Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси Кузатув Кенгаши ва жамоаси компанияда узоқ йиллар фаолият кўрсатган меҳнат фахрийси Ўткир Акбаровга умр йўлдоши
Сайёра ая АКБАРОВАННИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат стоматология институти жамоаси болалар терапевтик стоматология кафедраси доценти Сайёра Маҳсумовага волидаи муҳтарамаси
Сабура Аҳмедовна ПАЙЗИЕВАННИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ РАВНАҚ ТОПМОҚДА

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан илмий-техника тараққиёти баробарида қатор соҳалар ҳам янада ривожланиб келмоқда. Йилдан йилга тобора раванқ топиб бораётган соҳалардан бири туризмдир. Ҳозирги даврда жаҳондаги кўплаб давлатларда сайёҳлик соҳасини тараққиёт эътириши алоҳида эътибор қаратилаётганига бежиз эмас. Зеро, сайёҳлик халқаро алоқаларни такомиллаштирувчи йўналиш бўлиш билан бирга изчил ва барқарор даромад келтириб турувчи тармоқ ҳамдир.

Ўзбекистон кўп йиллардан буён сайёҳлик нуқтаи назаридан дунёдаги энг диққатга сазовор мамлакатлар рўйхатининг биринчи ўнгидан мунтазам ва мустаҳкам жой эгаллаб келмоқда. Зеро, Ватанимизнинг ранг-баранг тарихий мероси, ўзига хос обидалари ёдгориликлари мустақиллик шарофати боис янада қирой очди, ўзгача шаклу мазмун кашф эта бошладди. Изчил амалга оширилиб келинаётган ислохотлар Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини янада ошириб, сайёҳлик салоҳиятининг ҳам серкўра ва кўламдор тарзда кучайиб боришига мустаҳкам замин яратмоқда.

Маълумки, туризм соҳасида ҳозирги даврда тарихий ва маданий туризм, этник туризм, экологик туризм, соғломлаш туризми каби йўналишлар алоҳида раванқ топиб бораётган. Мазкур жиҳатлар борасида ҳам Ўзбекистон ўзига хос қудратли салоҳиятга эгалигини таъкидлаш жоиз.

Тарихий ва маданий туризм Ўзбекистонда аввало Самарқанд, Бухоро, Хива каби маълум машҳур шаҳарлар билан чамбарчас боғлиқ. ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси намуналари саналувчи ушбу шаҳарлар азалдан аънавий равишда бутун дунёдаги сайёҳлар диққат-эътиборини юртимизга жалб этиб келади. Регистон, Гўри Амир, Шоҳи Зинда, Минораи Калон, Ичаккальба сингари обидаларнинг доғуғи турли элларда тилларда достон. Шу билан бирга Тошкент, Қўқон, Шаҳрисабз, Термиз каби шаҳарларнинг ўзига хос ёдгориликлари ҳам замонавий жозиба билан уйғунлашган ҳолда минг-минглаб сайёҳлар кўнглида зийрат ниятларини уйғотмоқда. Ўзбекистондаги тарихий ёдгориликлар ҳақи равишда Хиндистон, Хитой, Мисрдаги обидалар билан бир қаторда туради. Улардаги ноёб, нақшкор зийнатлару беазалар ҳар қандай сайёҳ тасаввур тафаккурини лол қолдиришга қодир.

Этник туризм борасидаги қучли омиллардан бири ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, бетакор меҳмоннавозлигидир. Тўқин ўзбек дастурхони неъматларидан татиб кўрган меҳмон уларнинг мазасини умрбод унутмайди, ширин хотиралар билан эслаб юради. Ўзбек халқининг серкўра этник ўзига хослиги халқ амалий санъати, ҳунармандчилик намуналарида ранг-баранг ифодасини топади. Шу боис юртимизда ўтказилувчи этнографик ва пазандачилик шодиёналарига, ҳунармандчилик кўргазмаларига турли миллатлар вакиллари ҳам қизиқишлари гоятда қучли.

Замонавий сайёҳлик доирасида ўзига хос тарзда ривожланаётган йўналишлардан бири фаол туризм саналади. Шундай тоифадаги инсонлар борки, улар учун ёдгориликларини томоша қилиш зерикарли бўлиши мумкин. Улар дам олиш баробарида қонда адреналин кўпайишини истиашди, яъни экстремал дам олиш турларини хуш кўришади. Бундай сайёҳлар учун ҳам юртимизда қўлай шароитларга эга жойлар талайгина. Пойтахтимиз Тошкентдан атиги 80 километр ўзқоқда жойлашган Чорвоқ сув омбори, Чимёни ҳамда Белдер-сойнинг қишки спорт турлари учун боп трассалари, Қизилқум ва Қорақум шаҳраларининг кенгликлари фаол дам олиш ишқибозларига маъқул қилиш шўбҳаси. Устурт платосининг гайриоддий манзараси саёҳатчига олис сайёралардаги самовий кўринишларни эслатади. Тянь-Шань, Ҳисор, Олой, Нурота тоғ тизмалари бўйлаб саёҳатлар ҳам унутилмас таассуротларга бой, гоятда қизқарлик бўлади. Фаол дам олишнинг тоғ сайрлари, жўшқин сойлар бўйлаб рафтинг, жип — сафари каби хилларини амалга ошириш учун имкониятлар гоятда улкан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харақатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони бўйича 2017–2021 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган чора-тадбирлар қаторида туризмга ҳам катта эътибор қаратилган. Харақатлар стратегиясининг беш устуви йўналишдан бири — “Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш” борасида туризм индустриясини жадал ривожлантириш назарда тутилди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг аяндида Хитой Халқ Республикасида қилган ташрифи доирасида, жумладан хитойлик ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашувда давлатлараро сайёҳлик алоқаларини раванқ топтириш, туризмнинг турли соҳалари бўйича муносабатларни янада такомиллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Миллатлараро, давлатлараро маданий-ҳамкорлиқни, туризм борасидаги муносабатларни раванқ топтиришга аниқла ёндашувлар ишлаб чиқилиб, Ўзбекистоннинг ташқи алоқалари доирасида ҳаётга изчил татбиқ этилаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Ўзбекистоннинг сайёҳлик борасидаги салоҳиятини янада кучайтириш, бутунжаҳон туризми доирасидаги мавқеини мунтазам юксалтириб бориш учун ўзига хос, ноёб имкониятлар мавжуд. Бинобарин, ушбу имкониятлардан ҳар томонлама унумли фойдаланиш республикамиз халқаро обрў-эътиборини оширади, туризм, илмий, гуманитар ва бошқа соҳаларга доир давлатлараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун мустаҳкам пойдевор вазифини ўтайверади.

Дилрабо КОДИРОВА,
Тошкент шаҳар қасб-хонар коллежи ўқитувчиси

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 31 май кунини ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3–8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 14–16, кундузи — 28–

30 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 31 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

ҲАМЮРТИМИЗНИНГ ГОЛИ ҒАЛАБА КЕЛТИРДИ

Осиё чемпионлар лигаси нимчорак финал ўйинида Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори Одил Аҳмедов фаолият олиб борадиган “Шанхай СИПГ” жамоаси ўз майдонида “Жиангсу Сунинг” клубини қабул қилди.

Ҳамюртимиз ўйинни тўлиқ ўтказган мазкур баҳсда дастлаб саккизинчи дақиқада Рожер Бейкер Мартинес томонидан ҳисоб очилди. Беллашувнинг 32-дақиқасида бразилия-

лик ҳужумкор ярим ҳимоячи Халк ҳисобни тенглаштирди. Одил Аҳмедов биринчи бўлиб охирида Халкнинг ажойиб узатмасидан сўнг рақиб дарвозасини ишғол қилди ва

ўйин охиригача мазкур ҳисоб ўзгармади.

Кескин курашларга бой ўйини қўпайётган жавоб баҳси эса шу ҳафтада бўлиб ўтади.
Ботир ХУЖАЕВ

ТОШКЕНТ ОКШОМИ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoshқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 535

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9488 нускада босилди.
Қўроғ бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 17.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ